2 С ИЮН 1991

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 117 (20.984) 1991 йил 20 июнь, пайшанба • Рўзнома йилига 256 марта чиқади. • Баҳоси 8 тийин.

*• СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР*

## ЎЗ ҒАМИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ЕЙЛИК

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида қабул қилинган қарорлар менда яхши таассурот қолдирди. Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг нутқидан таъсирландим. Зеро, унинг «Ўз ғамимизни ўзимиз емасак бўлмайди» деган гапида катта маъно бор. Демак, биров ташқаридан келиб, ҳаётимизни фаровонлаштириб бермайди. Бунинг учун ўзимиз тадбиркорлик кўрсатишимиз зарур.

Менимча, бунинг учун аввало, хўжалик бошқарувини сақлаб қолиб, қишлоқда саноатни тезроқ барпо этишимиз талаб этилади. Ҳар иккала гап хўжалигимизнинг бугунги муаммоларини, ташвишларини ифодалаб турибди.

Мулоҳазаларимни ойдинлаштирмоқ учун айрим рақамларни келтириб ўтаман. Ноҳиямиз маркази ва Қумқўрғон шаҳри давлат хўжалигимиз ҳудудида жойлашган. Қишлоқ Кенгаши ҳисобида 27 минг аҳоли бор. Суғориладиган еримизни суриштирсангиз — икки минг гектар. Жумҳурият Президентининг Фармонига кўра ўтган йилдан бери 420 гектар ерни томорқага ажратдик. Ноҳия ва шаҳар қурилиши учун 80 гектар майдон ҳисобдан чиқарилди. Келгуси йили томорқа беришларини сўраб ёзилган аризалар ҳозирдан иш столимнинг тортмаларини тўлдириб юборди. Биз уларни ижобий ҳал қилаверишимиз мумкин, аммо 8-9 йил ичида бор ерни томорқага бериб бўламиз. Ер тугагач, табиийки, хўжалик ҳам ўз-ўзидан барҳам топади.

Лекин сессия руҳидан ва шахсий мулоҳазаларимдан келиб чиқиб айтадиган гапим шуки, хўжаликни сақлаб қолишни ҳозирдан ўйламоқ керак. Ахир 12 та мактабнинг, 11 та болалар боғчасининг, йўл, ичимлик суви қувури ва бошқа ташвишларнинг оғир-енгилини хўжалик кўтариб турибди. Тўғри, томорқа ҳозир хўжаликнинг еридан кўра унумдорроқ. Лекин томорқа хўжалигини бошқариш, экин-тикин қилиш, ҳосилини йиғиштириб олиш, хуллас, унинг ишини марказлаштириш борасида тажрибаларимиз етарли эмас.

Шунингдек, тегишли идоралар хўжалигимизнинг экин майдонларини кенгайтириш чоралари устида ўйлашадими, йўқми, буниси ҳали номаълум. Лекин қишлоқда саноатни бунёд этишга катта эътиёж сезилаётир. Бу борада айрим ишлар бошланди. Пахта тозалаш заводи қурилишининг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Ярославль шаҳри тўқимачилик комбинатининг бўлимини очмоқчимиз. Шундай деймизу, аслини олганда хўжалик учун ҳам бир ғишт қалаш қийин бўлиб қолди. Ўтган йили бир миллион 300 минг сўм соф фойда олганимиз билан ҳозир, тўғриси, давлатдан 2,5 миллион сўм қарздормиз. Бу йилги турли-туман тўловлар, моддий ресурсларнинг нархи қимматлашганлиги аҳволимизни яна қийинлаштирмоқда.

Лекин қийинчиликлар олдида шалвираб туриш ниятимиз йўқ. Марказий таъмирлаш устахонасини, автогаражни хўжалик ҳисобига ўтказяпмиз. Ҳар бир тармоқ ўзининг юкини ўзи кўтариши керак. Бугуннинг талаби шундай. Хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган. Ўтган йили пахтанинг «АН-415» навини синаб кўрдик. Синов натижалари бу навнинг 39-40 фоиз тола беришини кўрсатди. Бу йил 300 гектар ерда шу навни етиштиряпмиз.

Яна иккинчи тажрибага қўл урдик. Ҳосили пишганда барги ўз-ўзидан тўкилиб кетадиган «Термиз-24» навли ипак пахта ғўзасини ўстиряпмиз. Яқин келажакда америкалик пахтакорлар билан ҳамкорлик қиламиз. Океан ортидан келтирилган етти хил ғўза нави чигитини кўпайтирамиз. Ишчиларимиз ҳар бир қарич ернинг қадри қанчалик баландлигини англаб етмоқдалар. Ерни қадрлаш деҳончиликдаги яхши ишларга муқаддима бўлади.

Яна бир муаммо. Бугунги кунда техника, ўғит ва бошқа нарсаларнинг нархи кескин кўтарилди. Бунинг устига хўжаликлар зиммасига катта солиқлар қўйилди. Эндиликда аҳвол шу даражада кетаверса, қишлоқ меҳнаткашларига янада қийин бўлиши мумкин. Бинобарин, ана шу солиқлар масаласини ҳал қилмай туриб фаровонликка эришиб бўлмайди.

**Ф. МАМАТМУРОДОВ,**
**Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» давлат хўжалиги директори.**

## ДЕҲҚОН ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Биз Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессияси ишини рўзномалар орқали бутун эътиборимиз аъзолари билан кузатиб бордик. Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқида айни биз, деҳқонлар дилидаги ўйлар, фикр-мулоҳазалар, режалар айтилди.

«Ҳозир одамларимиз, сиз раҳбарлар бизларга шароит ва имкон беринглар, пешона тери тўкиб кўпроқ, унумлироқ ишлаб, кўпроқ даромад топиб, тирикчилигимизни ўтказайлик, деб айтишаяпти. Жуда ҳақли талаб». Президентимиз нутқидаги ана шу ва бошқа сатрлар бизни ғоятда қувонтирди.

Тўғри, мамлакатимизда турли сабабларга кўра иқтисодий танглик ҳукм сурмоқда. Бу ҳеч кимга сир эмас. Лекин шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтиришдан нима фойда? Гап ўрнига амалий ишга ўтмас эканмиз, бу жиддий муаммоларни ҳал этишимиз қийин.

Районимиз, шу жумладан, бизнинг давлат хўжалигимизда ҳам тадбиркорлар учун кўпгина шароитлар яратиб берилмоқда. Шунинг учун ҳам ижарачи оилалар, фермер хўжаликлари кўпайиб бормоқда. Шахсий хўжалик эгалари ҳам ўз томорқаларига катта меҳр қўйиб ишламоқдалар.

Менинг 15 нафар фарзандим, 33 набирам бор. Фарзандларимиз меҳнаткаш оилада катта бўлганликлари учун оғир ишдан қочмайдилар. Биз 55 гектар ерда пахта, 4,5 гектар ерда эса маккажўхори, бир гектар ерда пиёз етиштирмоқдамиз. Давлатдан 20 минг сўм қарз олиб, хўжалик юргизяпмиз. Деҳқончилик қилиш билан бир қаторда болаларим ва набираларим билан 30 бош қорамолни ҳам боқяпмиз. Шу жумладан, етти бош соғин сиригимиз ҳам бор.

Шундай қилиб, оиламиз мўл-кўлчилик яратиш ишига озми-кўпми ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Хўжалик раҳбарлари эса имкони борича ёрдам қўлини чўзишмоқда. Бунинг учун улардан миннатдормиз.

Сессияда таъкидлаб ўтилганидек, ҳамма жойда тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантириш чорасини кўриш керак. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар имкон борича рағбатлантирилиши лозим. Шундагина кўзланган мақсадга яқин вақтлар ичида етиш мумкин.

**А. ЖАББОРОВ,**
**Боёвут районидаги Пушкин номли давлат хўжалиги онлавй бригада бошлиғи.**

*• Офатни бартараф этиб*

## ЯНА БИР СИНОВ

**Бу йил табиат ўзбек деҳқонининг иродаси, матонати кучини қайта-қайта синовдан ўтказмоқчи чоғи. Яқинда бўлиб ўтган кучли жала-селлардан сўнг Фарғона вилояти қишлоқ меҳнаткашлари ғўза парваришн, эртаки мева-чева, сабзавот йиғимига астойдил киришиб кетган эдилар. 16 июнь куни табиат яна бебошлигини кўрсатди.**

Шу куни тушдан сўнг Фарғона районидаги Миндон қишлоғи юқорисида савлат тўкиб турган Қатрон тоғлари ортидан қора булутлар галаси ёпирилиб чиқди. 40 минут атрофида ёққан кучли жала селга айланиб, райондаги бир қатор қишлоқлар кўчалари ва экинзорлар устига бостириб келди. Дамба тошқинга бардош беролмади. Бошвоқсиз сел оқими ўз ишини қилди. 357 та хонадон жиддий шикастланди. 20 га яқин уй бутунлай вайрон бўлди. 3,5 минг гектар пахта майдонлари лойқа остида қолди. Боғлар ва экинзорларга катта зарар етди. Чорва, паррандачилик фермалари, Чимён бройлер фабрикаси талафот кўрди. Чорва моллари нобуд бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қарағанда фақат деҳқончиликнинг ўзидан 1 миллион 58 минг сўм зарар кўрилган. Етказилган зарар миқдорини аниқлаш давом этмоқда.

Аммо вилоят партия, совет органлари, хўжаликлар аъзолари кутилмаган фалокат қаршисида довдираб қолишмади. Табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Сел босган қишлоқлар аҳолисига зарур тиббий ёрдам кўрсатиш учун 50 нафар юқори малакали врач ва ўрта медицина ходимлари бу ерга етиб келишди. Вайрон бўлган иморатлар эгалари учун 30 та вагон-уй келтирилди. Жабр кўрганларга иссиқ овқат ташкил этилди. Кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилаяпти.

Табиий офат оқибатларини тугатишда амалий ёрдам бериш учун вилоятга жумҳурият ҳукумат комиссияси аъзолари етиб келиб, ишга киришиб кетишди.

Фарғона районидаги ғўза ва бошқа экинларни сақлаб қолиш учун оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Қўшни хўжаликлар ва ташкилотлардан селдан зарар кўрган Димитров, Карл Маркс, Ильич номли ва «Ленинград» жамоа хўжаликларига ишчи кучи ва техника кела бошлади. Вилоят қурилиш ташкилотлари шикастланган уйлар ва ишлаб чиқариш биноларини тиклаш ишларини бошлаб юбордилар. Боғлар ва экинзорлардаги тўкилган мева ҳамда теришлиши лозим сабзавотлар зудлик билан йиғиб-териб олиняпти. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун амалга оширилаётган ишларни вилоят ижроқомида тузилган махсус штаб бошқариб турибди.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**УРТОҚ А. КАРИМОВНИ ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги самарали иши учун Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ижроия комитети ички ишлар бўлими-нинг инспектори Аминжон **Каримов Ҳурмат** ордени билан мукофотлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль,
1991 йил 18 июнь.

## ТОШКЕНТ: ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

# Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида суҳбат

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Швейцария савдо-саноат доираларининг намояндалари — «Штахель-Хардмеер групп» корпорацияси директорлари кенгашининг раиси Оливер Штахелни, Нью-Йорк «Континентал грейн ко» компаниясининг (АҚШ) президенти Дональд Стахелини, «Континентал грейн ко» компаниясининг вице-президенти ва компания эгасининг ўғли Пауль Фрибургни, бошқа корхона эгаларини қабул қилди.

Рўй-рост суҳбат бўлиб ўтди, суҳбат чоғида республикамиз билан Швейцария ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Швейцариялик меҳмонлар Швейцария билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ўзаро манфаатли амалий муносабатлар асосида ривожланади, деб умид билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзолари — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, шунингдек, Ўзбекистон ССР давлат ташқи иқтисодий алоқалар комитетининг раиси А. С. Маҳмудов, «Узглавлегснабсбит» бошлиғи Ш. К. Гатаулин қатнашдилар.

**(ЎзТАГ).**

# ИШОНЧ РУҲИ

**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари Жўра ХОЛҚОСИМОВ, Алишер РЎЗИЕВ хабар қиладилар**

ТОШКЕНТДАГИ 30 даражадан юқори ҳарорат ва ҳавонинг мусаффолиги бу ерда давом этаётган ишбилармонлар учрашувининг руҳидан андоза олгандай. Жаҳоннинг турли минтақаларидан ташриф буюрган ишбилармонлар чеҳраси очиқ, кузатув ва чамалаш руҳи тетик. Уларнинг мўлжал ва тахминлари рўёбга чиқажагидан ишонч ҳосил қила бошлаганлари муомала-муносабатларидан аниқ сезилиб турибди.

Дарҳақиқат, Тошкент не-не халқаро анжуманлар гувоҳи бўлмаган. Ўзбекистон пойтахти халқаро учрашувлар маскани сифатида довруғ таратган. Ишбилармонлар учрашуви ҳам юртимиз тарихида қутлуғ из қолдиришига шубҳа йўқ. Чунки республикамиз ҳукумати ва аҳолиси каби ушбу анжуман қатнашчиларининг ҳам нияти қутлуғ. Учрашувдан мақсад — Ўзбекистонга хорижий фирмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, банклар маблағлари, технологияларини кенгроқ жалб этиб, қўшма корхоналар ташкил қилиш, ички бозорни хилмахил маҳсулотлар билан тўлдира боришдан иборат.

Бундай ниятни рўёбга чиқариш учун бизда имкониятлар жуда кўп. Фақат уларни ишбилармонларга хос тарзда ўрганиш, қиёслаш, чамалаш керак. Ана шу талаблар асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим бўлади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий ва сиёсий вазият ҳам ўзаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар очиб бера олади. Сиёсий вазиятнинг нисбатан барқарорлиги, деб таъкидлади жумҳуриятимиз Президенти ишбилармонлар учрашувининг расмий очилиш маросимидаги нутқида, жумҳуриятни бошқариш ва унинг хўжалигини юритиш барча бўғинларидаги интизом ва тартиб, бизнинг назаримизда ҳар қанча ислоҳот ва ишбилармонликнинг энг муҳим шартларидан биридир.

ДАРВОҚЕ, Ўзбекистон хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш фикрига тўсатдан келиб қолгани йўқ. Халқаро ишбилармонлар билан шериқчилик қилиш тажрибасининг дастлабки самараларидан манфаатдор бўлиб турибмиз. Масалан, ҳозирдаёқ Хитойнинг икки фирмаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик битими имзоланган. Швейцария фирмалари билан Ўзбекистонда қўшма корхона барпо этиш хусусида келишиб олинди. Ишбилармонлар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда замонавий меҳмонхоналар қуриб бериш учун 250 миллион франк сарфлашмоқчи. Ҳозир Тошкентдаги «Зенит» заводи Жанубий Кореядаги фирмалар билан ҳамкорликда биринчи класс телевизорлар тайёрлаб чиқаришни ўзлаштириб олишди. Яна бир ярим йил ўтиб, бу ерда шундай телевизорлар ишлаб чиқариш 100 минг донага етказилади.

Кеча ишбилармонлар учрашувининг қатнашчилари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига ташриф буюришди. Бу ерда жумҳуриятимиз унумдор ерларининг неъматларини кўз-кўз қилувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тортиб, индустриямиз ишлаб чиқараётган машина-ускуналар-у ерости қазилма бойликларимизнинг намуналари намойиш қилинган. Ишбилармонларнинг вакилларидан бир қисми вазирликлар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда бўлишиб, хилма-хил маҳсулотлар намуналари билан танишдилар.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ мутахассислари ишбилармонлар эътиборига хилма-хил маҳсулотлар намуналарини тақдим қилишмоқда. Айниқса, енгил ва маҳаллий саноат тармоқлари йўли билан 120 дан ортиқ таклиф меҳмонлар ҳукмига ҳавола этилди. Улар бу тармоқлар маҳсулотлари сифати ҳамда бошқа жиҳатларини мулоҳаза этиб, қиёслаб, ўзаро наф келтирадиган тарзда битимлар имзолаш фикрига кела бошладилар.

Жумладан, Ургут тамакисининг харидори чиқиб қолди. Бир неча ой муқадам асли самарқандлик, ҳозир эса Австриянинг «Агротек» фирмаси президенти Борис Қандов ва шериклари Ургут тамакикорлари ҳузурида бўлишди. Тамаки навлари-ю уни етиштириш жараёнларини қизиқиб ўрганишди. Ургут тамакисининг юқори сифатлилиги сигаретлар тайёрлашда муҳим ҳом ашё эканлигига ишонч ҳосил қилинди.

Хуллас, Ўзбекистон Маҳаллий саноат вазирлиги вакиллари билан биргаликда олиб борилган ишлар натижасида «Қандов — Галахергрупп» қўшма компаниясини тузишга келишиб олинди. Мазкур компания таркибида Ўзбекистон Маҳаллий саноат вазирлиги ҳамда Ургут район халқ депутатлари Кенгаши ҳам бўлади. Ишбилармонларнинг Тошкент учрашувида Тошкент тамаки фабрикасини тубдан қайта таъмирлаш ҳамда Ургутда замонавий фабрика қуриш лойиҳаси ҳусусида якунловчи ҳужжат қабул қилинди.

Ишбилармонларнинг баъзи бирлари Ўзбекистонга илк бор қадам қўйган бўлса, кўплари бу ўлка билан азалдан таниш ва билиш. Савдо-сотиқ ва ҳамкорлик йўлидаги мулоҳазаларини баҳам кўриш учун ишбилармонларнинг баъзи бирлари билан мулоқотда бўлдик. Улар нималар дейишгани билан қуйида танишишингиз мумкин:

Учрашув қатнашчиларининг бир гуруҳи.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

**— Давос АНГЕЛОС, Юнонистоннинг «Бингго» фирмаси президенти:**

**— Ниятимиз Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этишдан иборат. Тошкент учрашувига атайлаб етиб келганлигимизнинг бош сабаби шу.**

**Менимча, ҳар бир ишни йўлга қўйишда маълум ийинчиликлар ва муаммолар бўлиши аён. Шу боис ишни муаммоларни ўрганиш ва уларни биргаликда ҳал этишдан бошлаш лозим. Шундагина ҳар қандай хайрли ишни рисолададигидек йўлга қўйиш мумкин.**

**Манубхат ШАН, Ҳиндистон-Совет савдо ва саноат палатасининг раиси:**

**— Ҳиндистонлик ишбилармонларнинг катта бир гуруҳи ҳам ушбу учрашувда яхши ният билан иштирок этмоқда. Ҳинд-Совет ҳамкорлик алоқалари қадимдан мавжуд. Эндиликда бу алоқаларни янада ривожлантириш фурсати келди. Билишимча, Ўзбекистон ҳом ашёга бой ўлка. Ҳиндистон учун пахта, жун ва бошқа ҳом ашё турлари жуда зарур. Шу сабабли Ҳиндистондаги 50 га яқин фирма вакиллари серқуёш ўлка пойтахтига жон-жон деб ташриф буюришди. Мақсад — пахта ўлкаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.**

**Михаил СВИАГ, Польшанинг Москвадаги савдо-сотиқ ваколатхонаси вакили:**

**— Илгари фирмаларимиз марказ орқали Ўзбекистон билан алоқа қилар эди. Ҳозир эса ўз Мустақиллигини эълон қилган жумҳуриятингиз билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш имконияти туғилди. Имкониятларни ўрганишда, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик йўлларини аниқлаб олишда Тошкент учрашуви катта ёрдам беради, деб ўйлайман.**

Ҳа, ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви учинчи иш куни бошланмоқда. Шу кунлар таассуротлари асосида айрим мулоҳазаларни айтиш имкони бор, деб ўйлаймиз. Учрашув донрасида қизиқарли ғоялар ўртага ташлана бошлаганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ҳал қилувчи-бақамти суҳбатлар ҳали олдинда бўлса-да, бир нарса равшан: хорижий ишбилармонларнинг келиши жумҳуриятимиз иқтисодий имкониятларини тағин ҳам кўпайтиришга, унинг халқаро майдонга чиқиб олиши учун ойдин йўллар очишига ишончимиз комил. Ишонч руҳи ҳукмронлиги таъмин этиладиган кунлар яқинлашмоқда. Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўладиган янги қўшма корхоналар яна ўн минглаб янги иш жойларини тайёрлаб беришига, ички ва ташқи бозорни турли-туман моллар билан тўлдиришига ишонгимиз келади.

**Тошкент учрашуви қатнашчиларининг кундалик иш дастурига кўра, бугун ишбилармонлар вакиллари жумҳуриятимиз вазирликлари ҳамда муассасаларида ўзаро манфаатли битимга келиш йўллари хусусида музокаралар олиб боришни давом эттирадилар. Уларнинг бир гуруҳи эса саноат ва қишлоқ хўжалиги жамоаларида — Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Зенит», «Алгоритм» заводларида, «Совпластитал» қўшма корхонасида, Қорасув ва Бектемир пахта тозалаш заводларида бўладилар, Тошкент вилоятидаги К. Маркс номли, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги мутахассислари билан учрашувга ташриф буюрадилар.**

**Кеча томон ишбилармонлар учрашувининг меҳмонлари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қиладилар.**

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

ЖИЗЗАХ. Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги дала шийпонида вилоят партия-хўжалик фаоллари йиғилиши ўтказилди. Унда «Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган ноҳуш воқеаларнинг сабабларн ва вилоятда ижтимоий-сиёсий аҳволни яхшилаш борасида партия-хўжалик фаолларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби Ю. Галкин шу ҳақда маъруза қилди.

Партия-хўжалик фаоллари йиғилишида вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Э. Турсунов сўзга чиқди. У вилоятда ижтимоий-сиёсий аҳволни яхшилаш юзасидан партия-хўжалик фаолларининг долзарб вазифаларига тўхталиб ўтди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

x x x

18 июнь куни пойтахтда Тошкент вилоят партия фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари вилоятда ижтимоий-сиёсий аҳволни яхшилаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Маърузада ва нотиқларнинг нутқларида ҳозир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ишини кучайтириш, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, улар ишлаши учун кўнгилдагидек шарт-шароит яратиш, жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш партия ташкилотларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Йиғилишда Тошкент вилоят ижроия комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев сўзга чиқди.

**(ЎзТАГ).**

### ТАРИХ САБОҚЛАРИНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК

Тошкентда «Улуғ Ватан уруши тарихи сабоқлари ва ҳозирги давр» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлди.

Унда «Билим» жамияти фаоллари, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, олимлар қатнашдилар. Нутқларда фашистлар Германиясининг СССРга ҳиёнаткорона ҳужуми, совет халқи ғалабасига асос бўлган шарт-шароитлар таҳлил қилиб берилди.

**(ЎзТАГ).**

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси*

# «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ ҲАҚИДА

## *Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети раиси Э. Н. ХЎЖАЕВ маърузаси*

Ҳурматли Президент!

Ҳурматли раис!

Ҳурматли Ўзбекистон халқ депутатлари!

Ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилди ҳамда унга ўз муносабатини билдирди.

Иттифоқ шартномасида ўз аксини топиши зарур бўлган асосий қоидалардан бири — янгиланган Иттифоқнинг муассислари бўлмиш республикаларнинг суверенитетини тамомила тан олиш, давлатнинг ички ишларида ҳам, шунингдек ташқи муносабатларда ҳам улар эркин эканликларини тан олишлигидир.

Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилган «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари республикамиз мустақиллигини тиклаш ҳақида бораяпти. 20-йилларнинг бошларидаёқ Бухоро ҳамда Хоразм халқ совет республикалари мустақил тарзда ёки шартнома асосида РСФСР билан келишилган ҳолда ташқи бозорга чиқиш имкониятига эга эдилар. Ўша кезлардаёқ Хоразм республикаси РСФСРнинг чет эллардаги савдо ваколатхоналари ҳузурида савдо-сотиқ ишлари бўйича ўзининг доимий ваколатхоналарига эга бўлган. Ўрта Осиё республикалари Афғонистонда, Эронда, Ғарбий Хитойда йирик ҳажмда савдо-сотиқ ишларини амалга оширганлар. Чунончи, 1927—1928 йилларда Ўзбекистон 24 миллион сўмлик ҳажмда ташқи савдо-сотиқ ишларини амалга оширган.

Албатта, бугунги кунга келиб халқаро иқтисодий муносабатлар янги мазмун касб этди. Республикамиз ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун етарли имкониятларга эга. Унинг чет элларга экспорт қилган моллари 1988 йилда 1 миллиард 485 миллион сўмликни, 1989 йилда — 1,5 миллиард сўмликни, 1990 йилда эса 1 миллиард 133 миллион сўмликни ташкил этди.

Республиканинг экспорти ташқарига ҳамон хом ашё тарзида жўнатилаётганлиги ҳаммангизга маълум. 1990 йилда экспортга жўнатилган жами маҳсулотларнинг 11,4 проценти машина ва ускуналарни ташкил этди, 86,7 проценти эса хом ашё, турли материаллар, халқ истеъмоли товарларидан иборат бўлди. Республика халқ хўжалигида структуравий қайта қуриш бошланганлиги сабабли экспортнинг хом ашёга қаратилиши аста-секин ўзгара бошлади.

Экспорт тушунчасидаги мезонлар ҳам аста-секинлик билан ўзгариб бормоқда. Республикамиз ташқи иқтисодий фаолиятининг дастлабки мустақил қадамларини қўйиши биланоқ ривожланган, истиқболли ҳамда муносиб халқаро шерик деган ном орттиришини биз жуда-жуда истаймиз. Ўзбекистон ўз ҳудудидаги табиий иқтисодий бойликларининг мустақил эгаси сифатида ташқи иқтисодий фаолиятга киришаяпти. Шунинг учун Ўзбекистон жаҳон тажрибасини бутунлай ҳисобга олган ўзининг қонуний ҳамда норматив ҳужжатларига таянган ҳолдагина жаҳоннинг етакчи савдо доираларида ана шундай нуфузга эга бўлиши мумкин. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳамжиҳатликдаги тадбиркорлик замирида амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолияти, бевосита алоқаларнинг ривожлантирилиши — давлатнинг иқтисодий имкониятларини жадал юксалтиришга, истеъмол бозорини барқарорлаштиришга эришиш ҳамда охир-оқибатда халқнинг турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Бу йўналишда республикамизда бир қатор амалий ҳаракатлар қилинди. Ташқи иқтисодий алоқанинг бошқарув тармоқлари қайта ташкил этилди. Ташқи савдо ҳамда хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш давлат комитети, чет эл туризми бўйича «Сайёҳ-интур» хўжалик ҳисобидаги республика бирлашмаси, бошқа ташкилотлар тузилди. Ана шундай ҳаракатлардан кўзланган мақсад ташқи иқтисодий алоқаларда республикамизнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, унинг ички хўжалик механизмини жаҳон бозори механизмига ҳамоҳанг тарзда созлашдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетлари ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратувчи, чет эл капитали учун имтиёзлар ва кафолатларни кўзда тутувчи бир қатор қонунларни ишлаб чиқмоқда. Бу қонунлар ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ҳал эта олишга ёрдам кўрсатиши керак.

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий базасини яратиш йўлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг комитетлари тайёрлаётган қонун ҳужжатларининг энг муҳим ҳужжатларидан биридир.

Халқаро ишлар ҳамда иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетлари ушбу қонун лойиҳасини яратиш устида иш олиб борар экан, аввало, иқтисодий, шунингдек, ташқи иқтисодий руҳдаги халқ ҳўжалиги режалари ҳамда манфаатларининг устунлигини таъминлаш зарурлигига алоҳида аҳамият берди. Ташқи иқтисодий алоқалар — минтақаларнинг тараққиёти йўлида муҳим омил бўлиб қолиши, ташқи савдо суръатлари жадаллик билан ошишига ёрдам бериши лозим. Янги қонунлар ана шу мақсадга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида назаримизда мафкурага эътиборни қаратмай, аввало, иқтисодий, тижорат омилларига аҳамият бериш лозим. Хўжалик юритувчи исталган субъект ташқи иқтисодий муаммоларни амалга ошириши мумкин ва бу фаолиятнинг маҳсули, аввало унинг турмуш фаровонлигига таъсир этсин.

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун Ўзбекистоннинг эндигина шаклланиб келаётган ташқи иқтисодий комплекси учун жаҳон бозорига кенг йўл очиб бериши; мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, ҳар бир мулкдорга фойда орттириш ҳамда ижтимоий бойликни кўпайтириш йўлида ишини хотиржам юритиш учун зарур ва етарли шароитларни, иқтисодий имкониятларни очиб бериши керак. Бошқа томондан эса қонуннинг мақсади — ташқи иқтисодий фаолият механизмини тубдан ўзгартиришдан, халқаро ҳамкорлик соҳасида мулкдорларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини янги босқичга кўтаришдан, уларнинг ҳар бири учун ташқи бозорга чиқиш имкониятини беришдан иборатдир.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий комплекси тушунчаси берилган. Назаримизда, ана шундай комплексни шакллантиришнинг ўзи — республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш имконини беради.

Қонун олимлар, хўжалик раҳбарлари, манфаатдор идоралар ходимларининг кенг иштирокида ва фаоллигида тайёрланди. Комитетлар қонун лойиҳалари устида иш олиб бориш давомида унинг қоидаларини ҳозиргача қабул қилинган бошқа қонунлар билан уйғунлаштирдилар. Лойиҳа турли илмий-текшириш ташкилотларида, вазирликларда, республика идораларида, маҳаллий советларда ўзига хос синовдан ўтди.

Қонун лойиҳаси устида ишлаш жараёнида қатор хорижий давлатларнинг тажрибасидан фойдаланилди, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ишида мамлакатимизнинг марказий идоралари йўл қўйган камчиликлар ва хатолар ҳисобга олинди. Қонун лойиҳаси ташқи иқтисодий фаолият субъекти бўлмиш республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятигагина бағишланмай, балки айрим юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам қамраб олган. Халқаро иқтисодий бирлашмалар ва ташкилотлар ҳам ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида тилга олинган, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ўз фаолиятларини Ўзбекистондан ташқарида ҳам амалга оширишлари кўзда тутилган.

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини баён этишни тугатар эканман, сизларга шуни маълум қилмоқчиманки, ушбу қонун юзасидан халқаро ишлар комитетига ҳамда иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетига халқ депутатларидан, илмий муассасалардан, идоралардан, шунингдек республика фуқароларидан келиб тушган 200 дан зиёд мулоҳазалар ўрганиб чиқилди.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Ўз давлатининг мустақиллигини рўёбга чиқараётган бизнинг республикамиз учун халқ хўжалигининг барча тармоқларини ҳамда мулкчиликнинг субъектларини халқаро меҳнат тақсимотига ва жаҳон хўжалик алоқаларига киритаётганлиги муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Хорижий шериклар билан узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилиши; республика халқ хўжалиги комплексининг жаҳон бозорига янги куч билан кириб бориши учун янги технологияларнинг сотиб олиниши; Ўзбекистон ССРда хўжалик юритувчи барча субъектларнинг умумий ишлаб чиқариш-иқтисодий маданиятининг оширилиши — буларнинг барчаси бизнинг фикримизча, ана шу мақсадларга эришишдаги дастлабки қадамдир.

Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилган «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу биринчи галдаги мақсадларга бағишлангандир. Унинг асосий мазмуни — чекловчи ва тақиқловчи чора-тадбирлардан воз кечиб, чет эл капиталининг Ўзбекистон ССРга ақл-идрок билан меъёрида кириб келишига рухсат этишдан иборатдир.

Бизнинг республикамизда чет эллик сармоядорларни ром этадиган барча омиллар мавжуд. Табиий бойликларимизнинг мўллиги, унчалик қиммат бўлмаган ҳамда етарли малакага эга бўлган ишчи кучи, ривожланиши учун кредитлар ҳамда замонавий технология зарур бўлган кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариши шулар жумласидандир.

Хорижий тадбиркорлар ўз сармояларини ишга солиш учун объект қидириш чоғида инобатга оладиган энг муҳим жиҳат — қулай инвестицион муҳит ҳозиргача бизда йўқ эди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси — Ўзбекистон ССР давлат идораларининг чет эл капиталига муносабатларини белгилайди. Чет эл капиталининг жалб этилиши эса миллий иқтисодиётни қуллик асоратига солиш эмас, балки ҳозирги босқичда республикамизда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ҳамда аҳволи ана шу чорани қўллаш зарурлигини тақозо этмоқда.

Лойиҳа хусусан чет эл капитали билан ҳамкорлик қилишнинг истиқболларини ҳисобга олади ҳамда йўлга қўйилган муносабатларнинг барқарорлигига кафолат беради, капитал маблағларнинг самарадорлиги эса кўп жиҳатдан тузилаётган битимларнинг муддатига боғлиқ бўлади.

Илк бор хорижий фирмаларга иш юритиш ҳамда фойда орттириш учун имкон берилмоқда. Айни пайтнинг ўзида ўз маҳсулотини экспортга чиқариш ва фойдани ташиб кетиш ҳуқуқи берилмоқда.

«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунидаги қоидаларга қўшимча тарзда хорижий сармоядорлар ҳамда қўшма корхоналар учун қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилмоқда, уларнинг валютамолиявий фаолияти ҳамда замонавий технологияни сотиб олиш тартиби, бу соҳада келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш йўллари баён этилган.

Ўзбекистон ССР танг аҳволдан чиқиши учун, қолаверса бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётимизни кенг кўламда ривожлантириш учун ривожланган давлатларнинг иқтисодиёти билан ҳамкорлик қилиш мақсадида чет эллардан қўшимча капитал маблағлар олишга эҳтиёж пайдо бўлади. Кон ва қайта ишлаш соҳалари учун инвестициялар айниқса зарурдир. Биз республикамизда янги технологияларни жорий этиш учун, ўзаро фойдали шартларда савдо-сотиқ ишларини амалга ошириш учун хориждан шерикларни таклиф этаяпмиз.

Бу ўринда энг тўғри йўл қўшма корхоналар яратиш, шунингдек бутунлай инвесторга тегишли бўлган корхоналарни тузишдир. Ўзбекистон ССР хусусан халқ хўжалиги учун янги соҳа ҳисобланган тармоқларда, кўп маблағ талаб этадиган, илғор технология ҳамда кўп меҳнат ресурслари зарур бўладиган соҳаларда, экспорт қилишга ихтисослашган соҳаларда чет эл капитали кўпроқ сарфланишидан манфаатдордир. Замонавий технологик жараёнлар маҳсулотларимизнинг ташқи бозорда рақобат қила оладиган даражага кўтарилишини таъминлашга ишонамиз. Замонавий технологияни қўллаш ҳамда ишга албатта маҳаллий аҳолини қабул қилиш ва уларни бу ишга ўргатиш (бу ҳол хорижий сармоядорга қонун йўли билан кўрсатилади) ишчилар синфининг малакасини оширади, илғари республикамизда бўлмаган янги касбларнинг пайдо бўлишига ва кенг тарқатилишига кўмаклашади.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун лойиҳасида чет эллик шерикларнинг манфаатлари ҳам ҳисобга олинган. Биз чет эл инвестицияларига национализация ва мусодара шартлари дахл этмаслигига қатъий кафиллик берямиз. Биз республикамиз бозорини чет эллик тадбиркорлар учун, кенг истеъмол моллари ҳамда қишлоқ хўжалиги учун асбоб-ускуналар, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фирмалар учун очиб бераяпмиз.

Айни пайтнинг ўзида қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳам, чет давлат ҳудудида ҳам ҳамкорликдаги тадбиркорликнинг асосларини яратишни кўзда тутади. Ахборот тарқатасида шуни айтиш мумкинки, қўшма корхоналар республикамизда 1987 йилдан ташкил этила бошланган эди. 1991 йилнинг 1 январига қадар республика ҳудудида 30 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган эди.

Аслида эса ўтган йили 14 та қўшма корхона маҳсулот ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди. Амалдаги нархларда бу корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) ҳажми 174,7 миллион сўмликни ташкил этди ёки қўшма корхоналар тайёрлаган жами маҳсулотнинг солиштирма салмоғи республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида 0,7 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аксарият кўпчилик (80 фоиз) қисми халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Совпластитал» Совет-Италия қўшма корхонаси ҳамда билим беришга мўлжалланган ҳисоблаш техникасини тайёрловчи «Вариант» Совет-Болгария қўшма корхонаси ҳиссасига тўғри келади.

18—22 июнь кунлари Тошкентда илк бор чет эллик тадбиркорлар иштирокида «Тошкент амалий учрашуви» ўтказилиши мўлжалланган. Бу учрашувга дунёнинг кўпчилик мамлакатларидан таниқли тадбиркорлар, йирик фирмаларнинг эгалари ёки вакиллари таклиф этилган ва улар қатнашиш истагини билдирганлар. Ана шу имкониятдан фойдаланиб, биз чет элликлар билан ҳамкорликда корхоналар яратишга киришишимиз керак. Айниқса истеъмол бозори учун зарур бўлган моллар тайёрловчи корхоналарга эътиборни кучайтириш зарур. Ана шунинг учун биз чет эллик ишбилармон шерикларимизга кафолат бера оладиган қонун яратишимиз зарур.

Истеъмол бозори учун зарур бўлган соҳада ҳамкорлик қилинишига қонун лойиҳасида алоҳида эътибор берилган. Хорижий тадбиркорлар Ўзбекистон ССР ҳудудида ўз мулкларига эга бўлишлари кўзда тутилмоқда.

Чет эл капиталини кенг кўламда жалб этиш учун чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, турли маъноларни келтириб чиқарувчи бир қатор кўрсатмалар, тақиқларни, нормативҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарур.

Жаҳон тажрибасидан ҳамда республикамиз бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг назаримизда, ташқи иқтисодий фаолият субъектларини, жумладан чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказишни такомиллаштириш зарур. Ҳозирги пайтда рўйхатдан ўтказиш учун кўплаб идораларни айланиб чиқиш зарур бўлади. Райижрокомлардан тортиб республика вазирликлари ва комитетларигача етиб бориш керак. Умуман олганда рўйхатдан ўтказишни рад этмаслик, айниқса хусусий тадбиркорлар учун йўл очиб бериш керак. Вақт ўтиши билан бозорнинг ўзи ҳар бир корхонанинг қадрини кўрсатиб қўяди.

Бюрократик тартиб келтириб чиқарган қийинчиликларни бартараф этиш лозим. Ана шундай масъулиятсизлик, уқувсизлик ва мансабдорларнинг пораҳўрлиги оқибатида кўпгина фойдали янгиликлар юлдуз кўрмай жон бермоқда.

Яна бир муаммо бор. Бу ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш масаласидир. Биз хорижий давлатларга қобилиятли, зукко ёшларимизни менеджерликка, бошқа мутахассисликка ўргатишга дадил киришишимиз керак.

СССРнинг ҳар бир ваколатхонаси ҳузурида ўз вакилимиз бўлсин. У эса нархнавони, товарлар биржасидаги вазиятни ўрганиб борсин. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг инфраструктурасини ривожлантириб бориш зарур. Қўшни давлатлар билан чегараолди савдосига алоҳида аҳамият бериш керак ва шу мамлакатларнинг Тошкентда консулхоналарини очиш масаласини ўрганиб чиқиш пайти келди.

Чет эл инвестициясини жалб этиш борасида узоқ муддатга мўлжалланган дастурни тез вақт ичида ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолди.

Комитетимизнинг фикрича, «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуннинг ўзига хос жиҳатларини ривожлантиради ҳамда чуқурлаштиради, манфаатдор хорижий шериклар кўмагида республиканинг иқтисодий қудратини ишга солиш учун мукаммал ҳуқуқий асос яратади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларнинг қабул қилиниши республиканинг мустақиллигини рўёбга чиқаришга хизмат қилиш билан бирга, давлатлараро иқтисодий сиёсатнинг бир қисмини ажралган ҳолда мустақил олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Республика хорижий мамлакатлар, ташкилотлар ва тадбиркорлар билан мустақил ҳамкорлик қилиши мумкин, айни пайтнинг ўзида Ўзбекистон ССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари соҳасидаги ССР Иттифоқи манфаатларига дахлдор бўлган масалалар ССР Иттифоқи давлатлараро алоқасининг таркибий қисми эканлигини биз яхши тушунамиз.

Қонуннинг қанчалик самарали эканлиги у ижтимоий ҳаётга қай даражада таъсир ўтказишига қараб белгиланиши ҳаммамизга аён.

Бугун сизга тақдим этилган қонун лойиҳаларини қабул қилиш ҳамда республика ҳукуматининг муфассал ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларини рўёбга чиқариш орқалигина яқин вақт ичида халқ манфаати йўлида, республикамиз манфаати йўлида хорижий шериклар билан ташқи иқтисодий фаолиятга кириш орқали мустақил Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги улкан имкониятларини ишга солиш мумкин бўлади.

Сўзимнинг якунида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдек машаққатли вазифани ниҳоясига етказишда бизга яқиндан кўмак берган ишчи гуруҳимизнинг аъзолари, чунончи, Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисод институтининг директори Омон Ҳикматович Ҳикматов бошчилигидаги олимларга, Ўзбекистон ССР иқтисодиёт комитети ходимларига, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчи комитет ходимларига, Ўзбекистон Ленин Комсомоли Марказий Комитети қошидаги «Ниҳол» ёшлар клуби иқтисодчиларига, Молия вазирлиги ходимларига, Ўзбекистон ССР халқ депутати С. С. Ғуломов бошчилигидаги бир гуруҳ иқтисод олимларига олимлари ва бошқа мутахассисларга чуқур миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўйлайманки, ҳозир муҳокама давомида ҳам сиз, азиз депутатлар, қимматли таклифларингизни киритиб, бу қонун янада мукаммал бўлишига баҳоли қудрат ҳиссангизни қўшасизлар. Сизларнинг барчангизга ана шу катта йўлда — республикамиз олдида турган мушкул иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлида, барча ишларни халқ манфаати нуқтаи назаридан давом эттиришингизда омад тилайман.

# «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## *Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети раисининг ўринбосари О. МАҲМУДОВ маърузаси*

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети менга «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга киритишни топширди.

Тақдим этилаётган Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг олдинги сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар билан мантиқан уланиб кетади. Бу Қонун Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тасдиқлаган жумҳуриятни бозор иқтисодиётига ўтказиш концепциясини амалга ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Ҳозирги вақтда мулкни хусусийлаштириш, яккаҳокимликдан ҳоли бўлган, мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналарнинг тенглиги ва ўзаро мусобақалашуви асосида иш олиб борадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш масалаларини рўй-рост турибди. Бундай корхоналар орасида мулкчиликнинг кооператив шакли муҳим ўрин тутади.

Кооперация бизнинг жамиятимизда мустаҳкам ва бой анъаналарга эга. У меҳнаткашлар ташаббускорлиги ва омилкорлиги, фаоллиги намоён бўладиган ғоят муҳим соҳадир, оммани иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни изчил демократик негизда бевосита бошқаришга жалб этиш учун шароит яратади. Қонун лойиҳаси матлубот кооперацияси аъзолари, жамоа хўжалиги аъзолари, ишлаб чиқариш, уй-жой қуриш кооперативларида ва кооперациянинг бошқа шаклларида меҳнат қилаётганлар томонидан катта қизиқиш ва маъқуллаш билан кутиб олинганлиги тасодифий эмас.

Меҳнаткашлар Қонун қабул қилингач, кооперацияни амалда давлат ташкилотига айлантириб қўйишга барҳам берилади, унинг чинакам демократик мазмуни тикланади, барча турдаги кооперативларнинг аъзолари эса уларнинг ҳақиқий тўла ҳуқуқли ҳўжайинларига айланадилар, деб умид қилмоқдалар.

Қонун лойиҳаси янги иқтисодиётни қарор топтириш ғоясини ривожлантириш билан бирга яна бир жуда муҳим вазифани ҳам ҳал қилади. У кооператив корхоналар ва ташкилотлар учун мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан хўжалик юритиш соҳасида амалда тенг шароитлар белгилайди.

Бизнинг шароитимизда кооперация шуниси билан ҳам аҳамиятлики, кооперативлар Ўзбекистон ССР қонунлари билан расман тақиқлаб қўйилган фаолиятдан бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Бинобарин, кооперативларни ривожлантириш — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини оширишнинг ишончли йўли бўлиб, бу нарса ҳозир бошимиздан кечираётган ўтиш даврида, давлат секторида ишлаб чиқариш пасайиб бораётган бир вақтда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш соҳасида ишлаётган, шу жумладан, етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш ва озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга ихтисослашадиган кооперативлар давлат корхоналари бошидан кечираётган тангликни, аҳолини барча зарур маҳсулотлар билан таъминлаш йўлидаги қийинчиликларни юмшатишда сезиларли роль ўйнаши мумкин.

Кооперациянинг ғоят муҳим бир фазилати бор. Унинг ривожланиши кўпчилик давлат корхоналари қилаётганидек, йирик шаҳарларда эмас, балки меҳнат ресурслари ортиқча бўлган минтақаларда иш жойларини анча кўпайтириш имконини беради. Гап, энг аввало, нафақа олувчилар, ногиронлар, уй бекалари, талабалар ҳақида бормоқда. Бу нарса яна бозор муносабатларига ўтишни туфайли ишлаб чиқаришдан озод қилинаётган фуқароларга ҳам тегишлидир.

Яна бир ғоят муҳим омил бор. Давлат мулкига асосланган, иқтисодиётимизнинг негизини ташкил этадиган катта ва йирик корхоналарнинг тез ўзгариб бораётган талабга мослашиши осон эмас. Структураси мослашувчан, бевосита бозорга, истеъмолчига қаратилган кооперативларда аҳвол бошқача. Улар ўз табиатларига кўра халқ хўжалиги эҳтиёжларини ва аҳоли талабларини қондиришга зудлик билан мослаша оладилар.

Шундай қилиб, кооператив ҳаракат жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги кўпгина салбий тенденцияларни енгиш учун ҳақиқий имкониятлар очиб беради, қисқа муддатларда бозор муносабатларига ўтишнинг энг долзарб муаммоларини жалб қилишга имкон беради.

Ҳозир шу гапларни эслатиб ўтишга тўғри келмоқда. Чунки ҳозир ҳам кўпинча хўжалик раҳбарлари, маҳаллий Советларнинг, солиқ ва банк хизматларининг ходимлари кооперациянинг ривожланишини секинлаштирмоқдалар, унинг йўлига асоссиз ғов солмоқдалар.

«Кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни ССР Иттифоқининг шу масалага тегишли Қонунидаги фикрларни республикамиз хусусиятларига мос ҳолда ривожлантиради. Шуни айтиш керакки, Қонун лойиҳасида Иттифоқ Қонунидаги бир қанча камчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлинди.

Тақдим этилаётган Қонун лойиҳаси унинг 1-моддасида санаб ўтилган кооперациянинг ҳамма турларига тааллуқлидир. Қонун лойиҳасига мувофиқ ҳар қандай кооперативга фуқаролар ва ҳуқуқий шахсларнинг кооперативга ихтиёрий суратда бирлашиш принципи асос бўлади.

Кооператив ўзига қарашли мол-мулкнинг коллектив эгасидир. Унинг кўпгина шакллари кооператив аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган.

Қонун лойиҳаси кооперация ва кооперативларнинг тўртта тури: матлубот кооперацияси, ишлаб чиқариш, аралаш ва матлубот-ишлаб чиқариш кооперацияси ва кооперативлари, шунингдек, ўз аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришни мақсад қилиб қўювчи кооперация бўлиши кўзда тутилади. Бундай фарқлаш кооперативларнинг ҳар хил турлари кўзда тутилган мақсадларни бир-биридан аниқ ажратиш имконини беради. Агар матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш турдаги кооперациянинг фаолият мақсади фойда олиш бўлса, кооперациянинг тўртинчи тури учун асосий мақсад кооперативга уюшган фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

«Кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси кооператив мустақил жамоа бўлиши ҳам мумкинлигини, шунингдек, давлатга, кооперативга ва ўзга ташкилотларга қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳузурида иш олиб борадиган бошқа корхона бўлиши ҳам мумкинлигини белгилайди.

Лойиҳада баён этилган қоидаларга мувофиқ кооперативлар ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналар барча асосий белгилар бўйича: ишлаб чиқариш структурасини шакллантириш, маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар, нарх белгилаш, солиқ солиш бўйича бир хил шароитларда бўладилар. Бу ҳол ишлаб чиқарувчиларнинг якқаҳокимлигига барҳам бериш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналарнинг соғлом рақобатчилиги учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Қонун лойиҳасида (3-модда) кооперативларни тузиш ва тугатиш хусусиятлари ёритилади. Қонун лойиҳасида тадбиркор бўлиш ҳуқуқидан фойдаланишни истайдиган фуқаролар ёки ҳуқуқий шахслар учун зарур кафолатлар мавжуд. Қонун лойиҳаси кооператив тузишни тақиқлашга ҳеч ким ҳақли эмас, деб белгилаб қўяди.

Қонун лойиҳасининг 5- ва 6-моддалари ҳар қандай корхонанинг фойда олиш соҳасидаги умумий вазифасини ҳал қилишда ўз меҳнати, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки билан қатнашишни, шу тариқа бутун аҳолининг фаровонлиги ўсишига ёрдамлашишни истайдиган одамларга барча имкониятларни беради. Бунга ҳеч нарса тўсиқ бўлмаслиги керак.

(Давоми учинчи бетда).

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси*

# «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Кооперативга аъзо бўлган фуқаролар сони уч кишидан, матлубот жамиятида эса етти кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Кооперативнинг Устави, дейилади Қонунда, кооператив жойлашган ердаги халқ депутатлари Советининг ижроия қўмитасида рўйхатга олинади.

Олий Кенгаш қўмитаси «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш ишловчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни янада жадаллаштиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Бундай ишонч учун қонуний асос бор. Чунки лойиҳага мувофиқ (4-модда) кооперативнинг ҳамма аъзолари унинг мол-мулкининг эгаси бўладилар, бинобарин улар кооперативга қарашли бўлган ҳамма нарсадан оқилона, самарали фойдаланишдан бевосита манфаатдордирлар.

Иккинчи томондан, Қонун лойиҳаси хўжалик фаолияти натижалари учун кооператив аъзоларининг жавобгарлигини назарда тутади.

Қонун лойиҳасининг 8-моддасида кооперативлар фаолиятининг демократик асослари мустаҳкамлаб қўйилган, кооператив умумий йиғилишининг ҳуқуқ доираси белгиланган. Умумий йиғилишга бериладиган ҳуқуқлар ошкоралик, ўз-ўзини бошқариш қоидаларига мос бўлиб, кооперативларнинг аъзолари кооперативнинг хўжалик, ижтимоий-маданий ҳаётига доир барча масалаларни ҳал қилишда реал иштирок этиш кафолатини беради. Йиғилишнинг ваколатлари жумласига кооператив режаларини, даромадларни тақсимлаш тартибини, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва системаларини тасдиқлаш, шунингдек бошқарувни ва раисни сайлаш киради.

Ҳаётимизда матлубот кооперацияси жуда катта роль ўйнашини ҳамда унинг фаолиятидаги муайян ўзига хосликни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасининг 9 ва 10-моддалари кооперациянинг ана шу турига бағишланган. Ўйлаймизки, «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш бу соҳасидаги ишларнинг аҳволини ҳам яхшилашга имкон беради. Мавжуд зиддиятларнинг кўпчилиги бартараф этилади, энг аввало, матлубот кооперацияси чинакам жамоа руҳини, демократик руҳни касб этади.

Ўртоқ халқ депутатлари! «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун ҳаётий муҳим соҳа бўлган қишлоқ хўжалигида ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келади. Ҳозир бу соҳада ғоят мураккаб муаммолар тугуни пайдо бўлган. Қонун лойиҳаси озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ва саноатни хом ашё билан таъминлашда жамоа хўжаликлари ҳар ҳолда яқин истиқболда ўз аҳамиятини сақлаб қолишига асосланади. Жамоа хўжаликлари эса кооперативларнинг бир шакли бўлиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади. Қонун лойиҳаси жамоа хўжаликлари фаолиятининг ер муносабатларидан келиб чиқадиган хусусиятларини белгилайди, уларни умумхалқ мулки бўлган ердан юқори самара билан оқилона фойдаланишга ундайди.

Қонун лойиҳасида аҳолининг уй-жой, маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида тузиладиган кооперативларнинг, уй-жой қуриш, гараж қуриш, шунингдек, боғдорчилик ширкатларининг, якка тартибда уй-жой қурувчи ширкатларнинг ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларнинг хусусиятлари ҳам белгиланади. Қонун лойиҳаси юзасидан вазирликларнинг ЗЗ идораси, Президент Кенгаши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз таклифларини билдирди. Бунинг учун уларга комитетимиз номидан миннатдорчилик изҳор этишга рухсат этгайсиз.

Маърузамни тугатар эканман, бугун тақдим этилаётган Қонун лойиҳаси Олий Кенгаш тасдиқлаганидан ва кучга киритилганидан кейин кооперациянинг барча шаклларини ривожлантириш учун рағбатлантирувчи қудратли куч бўлади, тангликка қарши дастурни рўёбга чиқаришда ва жумҳуриятимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайди, деб умид билдираман.

# «ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитети раиси Ҳ. М. УСМОНОВА маърузаси*

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Буюк ўзгаришларга бой ҳозирги даврда жамиятимиз олдида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётни ўзгартиришдек муҳим вазифа турибди. Зероки, ҳар бир инсон, жамият ва унинг қонун таъсис этувчи парламентининг бугунги кундаги қарори келажакда ўз акс-садосини беради. Жамиятимиз ва парламент олдида ана шундай ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш лозим бўлиб турган бир пайтда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, яъни СПИД муаммоси инсоният ҳаёти ва келажагига тобора тажовуз қилмоқда.

Ҳозирги кунда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми қасаллиги бўйича эпидемиологик вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бормоқда. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ВОЗ) 1991 йилнинг май ойигача бўлган расмий маълумотига кўра, Ер юзидаги мавжуд 192 мамлакатнинг 177 тасида 323 минг 379 киши орттирилган иммунитет танқислиги синдроми билан касалланганлиги ва 6—8 миллион нафардан ортиқ киши орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусини юқтирганлиги қайд қилинган.

Иттифоқимизда эса касаллик вирусини юқтирганлар сони 1991 йилнинг 1 мартида 1176 кишига етди. Шулардан 594 киши совет фуқаролари, 582 киши эса чет эл фуқароларидир.

594 нафар совет фуқароларидан 54 нафарида касалликнинг клиник белгилари ривожланган. Шулардан 33 киши вафот этган. 594 нафар орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вируси билан касалланганларнинг 274 нафари болалардир. Бу болалар асосан орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусини тиббий муолажа натижасида юқтирганлар. Европа ва Америкада орттирилган иммунитет танқислиги синдроми билан касалланган ва орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусини юқтирган одамларнинг деярли 70—80 фоизи жинсий алоқа йўли ва гиёҳвандлик натижасида юқтирганлар.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳам орттирилган иммунитет танқислиги синдроми тарқалишига ана шу йўллар сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда иттифоқдош жумҳуриятларнинг 13 тасида орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вируси юқтирилганлиги қайд қилинган.

Хусусан, бизнинг жумҳуриятимизда ҳозирги кунгача 20 киши орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусини юқтирганлиги аниқланди. Буларнинг 15 нафари чет эллик фуқаролар, 3 киши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан, яна 2 киши Россиядан келган фуқаролардир.

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусини юқтирганларнинг кўпчилигида касалликнинг клиник белгилари ривожланиши кузатилмоқда. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллигининг заминида гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик каби ижтимоий ва, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаси моддий-техника базасининг камқудратли эканлиги каби иқтисодий иллатлар ётади. Ана шу муаммоларни ҳисобга олган ҳолда 1990 йилнинг 23 апрелида «Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллигининг олдини олиш тўғрисида»ги Иттифоқ Қонуни қабул қилинди.

Бу қонунда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вируси юққан шахсларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимояси кўзда тутилган. Шундай экан, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам ушбу Қонуннинг бўлиши шартми, деган савол туғилиши табиийдир.

Бизнинг фикримизча, Иттифоқ Қонунида кўп муаммолар бор. Биринчи навбатда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми билан касалланишнинг олдини олишдаги ҳуқуқий масалалардир. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусини юқтирган шахсларнинг иш фаолиятини маълум даражада чегаралаш, улар ишлаши мумкин бўлмаган соҳаларни белгилаш ва бошқа муаммолар кўзда тутилган. Иккинчи томондан, Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудидаги аҳолининг ўзига хос миллий урф-одатларини, жумҳурият пойтахти ва кўпгина вилоятларда тарихий обидаларнинг бўлиши ва бу билан боғлиқ бўлган хорижий сайёҳликни, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг янги ҳиллари ривожланишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССРда ушбу Қонунни алоҳида ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қўмита аъзолари билан бир қаторда барча тегишли вазирликлар, мутасадди ташкилотлар, бошқармалар, муассасалар ва жумҳурият орттирилган иммунитет танқислиги синдроми маркази ходимлари фаол қатнашдилар. Лойиҳа икки марта комитет мажлисида кўриб чиқилди.

Бу муаммони чуқур ўрганиш учун жумҳурият орттирилган иммунитет танқислиги синдроми маркази ходимлари билан биргаликда вилоятларда текширишлар ўтказилди. Натижада касаллик манбаларини кенг омма орасидан топиш ва уларни соғломлантириш, орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг тарқалиш йўллари ва воситаларига қарши курашиш, ҳавфли гуруҳларни аниқлаш ва уларни текширувдан ўтказиш чора-тадбирлари суст эканлиги аниқланди. Шунинг учун қўмита мажлисларида, текшириш ўтказилган вилоятларда бу муаммоларни бартараф қилиш йўллари муҳокама қилинди.

Айни вақтда Қонун лойиҳаси мукаммаллаштирилди.

Сизларга тавсия этилган «Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасида Иттифоқ Қонунида кўрсатилмаган бир қатор ҳаётий муаммолар ўз аксини топди.

Чунончи, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вируси юққанлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтиш асослари аниқроқ қилиб белгиланган. Бу эса шахсга атайлаб ҳуқуқий ва ижтимоий тазйиқ ўтказишнинг олдини олади.

Ушбу Қонуннинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида лойиҳага жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар киритиш алоҳида 12-моддада акс эттирилди.

Бу билан ҳар бир раҳбар ва тиббий ходимнинг масъулиятини ошириш кўзда тутилган.

Маълумки, орттирилган иммунитет танқислиги билан касалланган ёки вирус ташиб юрувчи шахслар билан хизмат вазифаси юзасидан доимий мулоқотда бўлувчи тиббий ходимлар касбий касалланиш хавфи остидадирлар. Шуни ҳисобга олган ҳолда тиббиёт ходимларига Иттифоқ Қонунида ўз аксини топмаган имтиёзлар белгиланган. Шу билан бирга орттирилган иммунитет танқислиги вируси юққанлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор қилган тиббиёт ходимлари ва бошқа шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш белгиланган. Бу эса шундай маълумотларни фақатгина мутасадди ташкилотларга билдиришни шарт қилиб қўяди.

Қонун лойиҳасининг Иттифоқ Қонунидан яна бир фарқи ҳақида гапирмоқчиман. Касаллик фақат тиббий муассасаларда, тиббий муолажалар натижасида юқибгина қолмай, балки маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланиладиган тиббий ва косметик муолажаларни бажарувчи мутахассис ходимларнинг санитария ва гигиена нормаларига риоя қилмасликлари натижасида ҳам ушбу касалликка чалиниш мумкин. Шунинг учун бундай ходимларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Муҳим масалалардан яна бири — чет эллик талабалар масаласидир. Улар орасидан орттирилган иммунитет танқислиги синдроми билан касалланган ёки вирус ташиб юрувчиларни ўз вақтида аниқлаб, жумҳуриятимиз фуқаролари орасида касаллик тарқатишларининг олдини олиш чоралари кўрилган. Бундай шахсларни қонуний асосда жумҳурият ҳудудидан чиқариб юбориш кўзда тутилган.

Фақатгина тиббиётнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумҳурият миқёсида бир марта ишлатиладиган шприцлар муаммосини ҳал этишнинг ўзи билан орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллиги тарқалишининг олдини олиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий билимгоҳлар ёрдамида жамиятимиз, айниқса, ёшлар онгини ошириш орқали орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллигининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Аҳолининг кўпчилик қисми орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг келиб чиқиши, тарқалиш йўллари, касалликнинг клиник белгилари ва олдини олиш чораларидан яхши хабардор эмас. Бу эса орттирилган иммунитет танқислиги синдроми муаммоси бўйича санитария таълими ва тарғибот ишлари суст олиб борилаётганлигидан далолат беради. Шуни айтиш керакки, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми тўғрисидаги маълумотлардан, айниқса, ўсмир ёшлар хабардиздирлар. Ваҳоланки, ёшлар жамиятнинг нозик қатламни ҳисобланади. Шунинг учун Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти аҳолининг ана шу қисми орасида кўпроқ санитария-тарғибот ишлари ўтказишни таклиф этади.

Бугунги кунда энг таъсирчан ва мавжуд восита — санитария маданиятини, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишдир. Шу туфайли касалликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда тиббиёт муассасалари билан бир қаторда барча вазирликлар, хўжалик ва идоралар, энг асосийси, кенг жамоатчилик ва ҳар бир киши онгли равишда, амалий иш билан иштирок этиши керак деб биламиз. Ана шундагина мақсадга эришилади!

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Сизнинг диққатингизга ҳавола этилаётган Қонун лойиҳасида акс эттирилган барча масалалар ҳаётий ва муҳимдир. Уларни қонун сифатида қабул қилиш келажак авлод ҳақида қайғуриш, демакдир.

# «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. ҲАЛИЛОВ маърузаси*

Ҳурматли халқ депутатлари!

Сизларга маълумки, автомобиль транспортининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда, у Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда ва кўпгина оилаларнинг турмушига сингиб бормоқда. Республикадаги жами юкларнинг қарийб 70 фоизи автомобиль транспорти ёрдамида ташилмоқда.

Автомобилдан фойдаланиш кўлами ошган сари, афсуски, унинг салбий оқибатлари ҳам сезиларли даражада кўпаймоқда. Ҳар йили автомобиль фалокатларида 3 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлмоқда, 20 мингга яқин киши турли даражада жароҳатланмоқда.

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш катта ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда транспорт фалокатлари, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳоллари анчагина кўпайди. Ҳар йили давлат автомобиль назорати идоралари йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг 3 миллиондан кўпроқ ҳолатини аниқламоқда. СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1989 йил 6 февралдаги Фармони қабул қилингач, бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам ҳайдовчиларнинг интизоми ёмонлашганини таҳлил маълумотлари кўрсатиб турибди. Ушбу Фармон билан йўл ҳаракати қоидаларини такрор бузганликлари учун қаттиқроқ жазолаш, ҳайдовчи гувоҳномасининг талони бекор қилинган эди. Қолаверса, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун 10—20 сўм жарима солиниши, бугунги кунда пул қадрсизланиши эътиборга олинадиган бўлса, уни йўлдаги қонунбузарликка қарши курашнинг воситаси деб ҳам бўлмайди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этилмоқда. Назаримизда, бу Қонун республикамиз йўлларида тартиб ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Хўш, Қонун лойиҳасида қандай янгиликлар таклиф этилмоқда, деган савол туғилиши мумкин.

Аввало, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори анча оширилди. Жариманинг кўпайтирилиши ҳайдовчиларни йўл ҳаракати қоидаларини атайлаб бузишдан тияди, улар автомобиль транспортини бошқараётганларида сергак бўлишларига олиб келади.

Йўл қоидаларини такрор бузганлик учун жарималар бир неча баравар оширилди. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши устидан назорат ўрнатиш учун ҳайдовчи гувоҳномасига илова қилинадиган огоҳлантириш талони жорий этилади.

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 130 ва 131-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. 130-модданинг биринчи қисмида ҳайдовчиларнинг носозлиги бўлган ва бу носозлик туфайли фойдаланиш ман этилган ёки давлат техника кўригидан ўтмаган транспорт воситасини бошқариши, шунингдек, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг хавфсизлик тасмалари ёки мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликдари огоҳлантиришга ёхуд йигирма сўм миқдорда жарима солинишига олиб келиши белгиланди.

Аввалги Қонунда худди шундай қоидабузарликлар учун огоҳлантириш ёки беш сўм миқдорда жарима солиш назарда тутилган эди. Фақат носозлиги бўлган ва бу носозлик туфайли фойдаланиш ман этилган транспорт воситасини бошқаргани учунгина ҳайдовчиларга қаттиқроқ жазо берилар эди.

Ушбу моддада ҳайдовчиларнинг носозлиги бўлган ва бу носозлик туфайли фойдаланиш ман этилган транспорт воситасини бошқариши, бу эса йўл ҳаракати хавфсизлиги учун турли даражада хавф туғдириши муносабати билан бундай хатти-ҳаракатларга турли маъмурий жазо берилади.

Модданинг иккинчи қисмида ҳайдовчиларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган, тормоз системасида ёки унинг бошқарувида носозлиги бўлган ёхуд тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши 50 сўм миқдорида жарима солинишига олиб келиши белгиланган.

Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, шунингдек, номер белгилари ўзбошимчалик билан ечиб олинган ёхуд ясама, ўзга усулларда ўзгартирилган номер белгилари бўлган транспорт воситаларини бошқариш 500 сўмдан 1000 сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатгача маҳрум этишга олиб келади.

Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш мақсадида кўпчилик ҳолларда қасддан давлат номер белгиларисиз транспорт воситаларидан фойдаланган ёки ясама ёхуд ўзга усулларда ўзгартирилган номер белгилари бўлган транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан аввал амал қилиб келган қонунларда маъмурий жазолар мутлақо назарда тутилмаган эди. Натижада худди шундай қоидабузарликлар сезиларли даражада кўпайди.

Бундан ташқари худди шу модданинг ўзида транспорт воситаси ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби, шунингдек, у ишлаётганда чиқарадиган шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқча бўлса, жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Илгари худди шундай тартиббузарлик учун жазо чораларини қўллаш билан санэпидстанция идоралари шуғулланар эди. Тажриба шуни кўрсатдики, кўпчилик ҳайдовчилар давлат санитария назорати идораларини менсимаганлар, чақириқ бўйича келмаганлар.

Натижада кўпчилик қоидабузарлар амалда жазосиз қолиб кетганлар. Комитетимизда Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида 130-моддада прицепли транспортнинг прицепини улашда носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқарганлик учун жавобгарлик белгилаш фикри баён қилинди.

Темир йўллардан ўтиш қоидаларини такроран бузганлик учун жарима миқдорини 500 сўмгача ошириш ҳам таклиф қилинди. Сизга маълумки, бундай қоидабузарлик ниҳоятда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин (шунинг учун 132-модданинг 2-қисмидаги «300 сўмгача» деган сўзлар «500 сўмгача» деган сўзлар билан ўзгартирилиши лозим).

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, светофорнинг тақиқловчи сигналлари ва йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслиги, пиёдалар йўлкасидан ҳаракат қилиши, устунлик берувчи, тақиқловчи ва кўрсатма берувчи йўл белгиларига, йўлнинг ҳаракат қисмида ўтказиб юборишни кўрсатувчи чизиқларига риоя этмаслиги, одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, жамоат транспорти тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини, сутканинг қоронғу даврида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши: огоҳлантиришга (ҳайдовчи гувоҳномасининг талонини компостер билан тешиб бериш орқали) ёки 50 сўмдан 70 сўмгача жарима солишга олиб келади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни бир йил мобайнида такрор содир этиш 100 сўм миқдорида жарима солинишига ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузганлик-билмаслигини текширишга юборишга олиб келади.

Амалдаги қонунларда авария ҳолатини келтириб чиқарганлик учун фақат 20 сўмдан 50 сўмгача жарима солиш ёки уч ой муддатгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш назарда тутилган эди. Бу эса содир этилган қоидабузарликка яраша жазо эмасди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс (130—1, 130—2, 130—3) янги моддалар билан тўлдирилади. Бу моддаларда ностандарт қилиб туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ва кўзгусимон ойналар қўйилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, ана шундай буюмларни ишлаб чиқарганлик, товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмалардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо қўллаш назарда тутилади.

Жуда ҳам қорайтириб юборилган ёки кўзгусимон ойналар қўйилган автомашиналарни бошқариш ҳаракат хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатади. Айрим шахсларга йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда транспорт воситаларини ҳеч бир жазо олмай бошқариш имконини яратиб беради.

Қонун лойиҳасида маъмурий-ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексни 135—1 янги модда билан тўлдириш назарда тутилади. Бу модда йўл ҳаракати қоидаларини бузиш оқибатида жабрланувчига енгил тан жароҳати етказиш ёки жиддий моддий зарар келтиришга оид жазоларни кўзда тутади.

Амалдаги қонунларда ана шундай хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, уч йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига юбориш назарда тутилган, шунингдек, икки йилгача муҳлатга транспорт воситаларини бошқаришдан маҳрум этиш ёки бундай чорасиз 300 сўмгача миқдорда жарима солиш ҳам қўлланилар эди (208-моддангинг 1-қисми).

Суд ва тергов идоралари томонидан бундай жазоларни қўлланиш таҳлил қилиб чиқилди. Шундан сўнг маълум бўлишича, бундай хатти-ҳаракатлар учун айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш рад этилган қарорлар чиқарилар экан. Бундан ташқари ана шундай ҳатти-ҳаракатлар мутлақо ижтимоий хавфли бўлмай, асосан ҳайдовчиларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида содир этилар экан. Одатда жиноий иш қўзғатиш рад этилганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилингач, ҳайдовчилар жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш у ёқда турсин, ҳатто маъмурий жавобгарликка ҳам тортилмайдилар.

Шу муносабат билан йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда транспорт воситасига жиддий моддий зарар етказилса, шунингдек, жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилса, жиноий иш қўзғатмай, айбдорни маъмурий жавобгарликка тортиш учун ушбу воқеага доир материалларни суд идораларига бериш вақти етиб келди, деб ҳисоблаймиз. Судларда эса, содир этилган айбнинг қандайлигига қараб, айбдорларга нисбатан 500 сўмдан 2000 сўмгача миқдорда жарималар белгиланади ҳамда жабрланувчига етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш масаласи ҳал этилади.

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини, шунингдек, республикамиздаги жиноятчилик аҳволини ҳисобга олиб, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида милиция ходимларига фуқароларнинг шаъни ва ҳуқуқларини камситмаган ҳолда ҳайдовчилар айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларида транспорт воситасини тўхтатиш ва уни кўздан кечириш ҳуқуқи берилмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 6 февралдаги Фармони қабул қилингунга қадар маъмурий-ҳуқуқбузарликларга доир Қонунда давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари ана шундай ҳуқуқларга эга эдилар.

Ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, давлат автомобиль инспекцияси идоралари томонидан маъмурий жазолар тўғри қўлланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Қонун лойиҳасида (233-модда) давлат автомобиль инспекциясининг инспекторлари 20 сўмгача миқдорда жарима солиш мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Йўлдаги соқчилик хизмати бўлинмаларининг командирлари 100 сўмгача жарима солишлари мумкин. Ундан қаттиқроқ бўлган жазоларни давлат автомобиль инспекцияси бўлинмалари, бўлимлари ва бошқармаларининг бошлиқлари, ички ишлар бўлимларининг раҳбарлари қўллашлари мумкин. Шуни таъкидлаш муҳимки, ана шундай жазолар қўлланилаётганида меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин. Борди-ю фуқаро давлат автомобиль инспекцияси идораларининг кўча қоидаларининг бузилишига доир қарорига рози бўлмаса, ана шу ходимларнинг хатти-ҳаракатлари устидан юқори идорага ёки судга мурожаат қилиши мумкин. Йўл қоидаси жуда қўпол равишда бузилганлиги учун йирик миқдорда жарималар солиш, етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ ишлар судда кўриб чиқилади. Хусусан, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлик (133-модда), ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги оқибатида жабрланувчига енгил тан жароҳати етказганлик ёки анчагина моддий зарар келтирганлик (135—1-модда), бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар томонидан транспорт воситаларини бошқарганлик (136-модданинг 3-қисми) ҳамда ҳайдовчиларнинг маст ёки маст эмаслигини текшириб кўришдан бош тортишга доир ишлар (138-модда) лойиҳада суд ваколатига берилган.

Ушбу лойиҳада республика жиноят кодексига жиддий ўзгартишлар киритиш ҳам назарда тутилган. Бу ўзгартишларда транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорини анча ошириш (Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 208-моддаси, 208—4-моддаси) назарда тутилган. Бундан ташқари транспорт воситаларини спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш (жиноят кодексининг 208—1-моддаси) учун 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ҳам кўзда тутилади.

Ҳурматли халқ депутатлари, Қонун лойиҳасида манфаатдор ташкилотларнинг ҳамда бир қанча Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳам инобатга олинган. Комитетимиз таклиф этилган Қонун лойиҳасини қабул қилишингизни сўрайди.

## Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 50 йиллиги

# ЎЛИМ ЧЕКИНДИ...

Миришкор боғбон Қосим ота оиласида фарзанд туғилди. Ғудак дунёга келиб, унинг илк бор чақалоқ овози эшитилганда, биринчи марта қадам ташлаб тетапоя қила бошлаганда, кейинчалик «дада» деб тилга кирганда ёш Каримжоннинг бу ёруғ дунёдаги қаёти қандай кечиши ота тасаввуридан жуда узоқ эди. Шундай кезларда фақат ўқтин-ўқтин:

— Умри узоқ, боши тошдан бўлсин илоҳим, орқамда қолсин, — деб дуо қилар ва яратгандан илтижо қилар эди холос.

Ҳа, ниложи ҳам қанча, кўпчилик оталар ва оналарнинг қўлидан келадигани шу-да, ахир. Тақдир инсоннинг бошига не-не куйларни солишию, не-не ишларни раво кўриши, унинг бошига қандай яхши кунлару, қандай кулфатлар келтиришини унинг ўзи қаердан билар эди.

Карим ака билан суҳбатлашар эканман, бирданига чеҳраси ёришиб кетди ва мийиғида кулиб, болалигидаги бир воқеани эслади:

— «Ёшлик-да, иккинчи синфда ўқиб юрган кезларим эди, — деди у. — Шунда раҳматлик ўқитувчимиз Абдураҳмон домла, қани Каримжон ўғлим, бир доскага чиқ-чи, деб қолди. Воқеани тушуна олмай, доскага чиқдим. Бўрни олиб, одоб билан домламиз буйруқларини кутиб турдим. Қани ёзчи, дейдилар бироздан кейин у киши ва шу жумларни такрорладилар.

— Каримжон қўлига қора қўлқоп кийибди.

Шунда мен гап қаёқда эканлигини бироз фаҳмладим. Ярим уялиб, ярим ҳадиксираб, домламиз айтган жумларни одоб билан ёзишга мажбур бўлдим. Ёзиб бўлдим-у, дарҳол икки қўлимга яширинча тикилдим. Ҳаммасининг кўзи менда. Пўсти унча кўчмаган ёнғоқни артавериб, қўлларим қоп-қора, унниқиб кетган экан. Домла менга бошқа ҳеч нарса демай, ўз ўрнимга ўтиришга рухсат бердилар. Шунда роса изза бўлганим ҳамон ёдимдан чиқмайди. Лекин домлани ниҳоятда севардим. Мен ҳам иложи бўлса ўқитувчи бўлишни ўшанда орзу қилган эдим.

— Ёшлик ҳам бир зумда чақмоқдай ўтиб кетди, — ҳикоясини давом эттирди Карим ака, — балоғатга етдик, ўша пайтда бешёғочдаги ўқитувчилар институтига кирдим. Уни тугатар-тугатмас, 1939 йилда Қизил Армия сафига чақирилдим. Ана шундан бошлаб ҳаётимдаги жанговар йиллар, бекаловат дамлар бошланиб кетди.

Дарҳақиқат, жасур ўзбек ўғлонининг шундан кейинги деярлик олти йиллик умри жангу жадаллар, таҳликали воқеалар, беором онлар оғушида ўтди.

...Совет Армияси сафига чақирилган ёшларни ортган эшелон Тошкент вокзалидан тўппа-тўғри Смоленск станциясига келиб тўхтади. Ёш жангчилар орасида Карим Қосимов билан бирга жанговар дўстлари Мурод Исматов, Юсуф Муродшайхов, Толиб Одилов, Шоназмат Умаров, Убайдулло Абдуллаев, Мирсоат Усмонов, Жўрабой Қосимов ва бошқа тенгқур биродарлари ҳам бор эди.

Смоленск шаҳрида ёшлар турли қисмларга ажратилди. Карим эса разведкачи сифатида Ғарбий Белоруссиянинг Молодчено шаҳридаги 115-ўқчи дивизиясига қўшилди. 1940 йил 16 июндан бошлаб унинг чинакам, ҳавас қилса арзийдиган жанговар таржимаи ҳоли бошланди. Сал ўтмай Болтиқ бўйидаги шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтган жангу жадалларда жон олиб, жон берди.

— Мамлакатнинг ушбу ҳудудида ҳали уруш бошланмасиданоқ бўлиб ўтган воқеалар юзаки қараганда унчалик катта шов-шувсиз бўлгандек туюлган бўлса ҳам, аслида анча-мунча кишиларнинг ёстиғи қуриди, минглаб ота-оналар ўз мард ўғлонларидан жудо бўлишди, — дейди собиқ жангчи.

Урушнинг дастлабки кунларини эслаб Карим ака шундай дейди:

— Уруш бошланиши тўғрисидаги совуқ хабарни Нева бўйида эшитдик, чинакам жанглар энди бошланаётганига ҳеч ким шубҳа қилмас эди ўшанда. Дарҳақиқат, жанглар бошланди. Вазият этикларни янада бардамроқ кийишга, камарларни қаттиқроқ тортишга даъват этар эди.

Урушнинг олтинчи кунида душман тунда тўплар, миномётлардан тўсатдан ўт очиб, осмондан бомбардимон қилиб ҳужумга ўтди. Жангчилар ҳамма имкониятни ишга солиб, душманнинг ҳужумига бардош бераркан, қарши ҳужумга ўтишдек мураккаб вазифани ҳам уддалай олдилар. Бироқ кучлар сира тенг эмас эди. Қаттиқ тўқнашувлардан сўнг қисм қўмондонликнинг буйруғи билан орқага чекинишга мажбур бўлди.

Август ойига келиб, ленинградликлардан янги ёрдам кели б қўшилгач, дивизия Нева дарёси бўйида қаттиқ мудофаада туриб, душманни Ленинградга бостириб киришга сира йўл қўймади. Қанчадан-қанча жангчилар мардларча ҳалок бўлишди. Ҳатто дивизиянинг артиллерия қўмондони, полковник Шумарин ҳамда 313-полк сардори майор Федорович ва бошқалар шу тўқнашув жабҳаларида жон фидо этишди.

— Шундай жанговар дўстлардан ажралиб қолганимизни эсласам, ҳали-ҳали ачинаман, — дейди Карим ака. — Ахир улар билан ака-ука, ёру биродарлашиб кетган эдик-да. Шундай олишувларда омон қолганимга ақлим бовар қилмайди.

Шундан кейин Карим Қосимов бошлиқ бўлинмага Нева дарёсининг нариги соҳилига ўтиб, душман артиллерияси миномёт ва пулемёт нуқталарини ҳамда назорат пунктларини аниқлашдек ғоятда масъулиятли навбатдаги вазифа юклатилди. У шунда жанговар дўстлари Бабич ва Хачатурян билан салкам бир ой мобайнида душман қисми ҳаракатларини кузатиб бориб, уларнинг техника ва жонли кучлари ҳақида рация орқали қўмондонликка хабар бериб турди. Бу операция муваффақиятли чиққан эди. Шундан кейин разведкачилар душман қароргоҳидан қайтиб келиш тўғрисида буйруқ олди. Бунинг учун Карим Қосимов раҳбарлигидаги разведкачилар 10 кунлик отпуска билан тақдирланишди.

Разведкачилар учун бундай жанговар топшириқлар жуда кўп бўлган эди. Чунончи Ладога кўлининг муз қалинлигини аниқлаш, ундан автомашиналар ўтиши мумкинлигини текшириш операцияси ҳам ғоятда қалтис эди. Лекин шунда ҳам омад ёр бўлди. Қисм кўл орқали Волхов фронтига ўтишга эришди. Шундан сўнг 54-армия қўмондонлигида яна жангга кириш имконияти яратилди. Натижада иш анча юришгандек бўлди. Волхов фронтида қатор қишлоқларни эгаллаб, Посадников оролига жуда яқинлашиб олинди. У ўша пайтда ғоятда муҳим стратегик марра ҳисобланган эди. Айниқса бу маскан душманни аниқроқ кузатиш, разведка ишларини ривожлантириш учун қулай нуқта эди.

Оролдаги душманни кузатиб туриш, унинг куч-қудратини аниқлаш, яна Карим ака бошлиқ бўлинма йигитларига ишонилди. Бу ерда ҳам яна ўша мураккаблик, қалтис вазиятлар мавжуд эди. Лекин эски тажрибага таяниш кўл келди. Натижада пухта ва зийраклик билан ишлаш туфайли қўмондонлик ўз вақтида энг зарур маълумотлар билан таъминланди. Шундан сўнг душманга қарши ўт очишга буйруқ берилди. Шиддатли жанглардан сўнг рақибни изма-из қувлаб, Болтиқ денгизигача бўлган катта майдонда ҳаёт-мамот жанги олиб боришга тўғри келди.

— Шу ерда бўлиб ўтган жангларнинг бирида душман ўқидан ногаҳон яраландим, — дейди Карим ака. — Қанчадан-қанча ўлимлардан қолиб, шу ерга келганда сафдан чиқиб қолиш жуда алам қилар эди. Минг бор шукурки, госпиталда даво топдим. 1945 йилнинг 18 январида яна ўзимнинг жонажон қисмимга — 115-артиллерия қўмондони Алексеевнинг чақириғи билан ўзимнинг жанговар дўстларим қузурига қайтиш насиб бўлди.

Яна ўша жанг майдони, ўша таҳликали дамлар...

Унга Немая дарёсидан ўтиб, душман истеҳкомларини разведка қилиш топшириғи юкланди. Разведка ишлари бугал ҳам яхши натижа берди. Яна омад унга ёр бўлди. Олинган маълумотларга асосланиб, янги ҳужум бошланди. Рақибнинг бардошини букиб ташлаш учун ҳамма имкониятлар ишга солинди ўшанда. Қақшатқич берилган зарба натижасида ёв чекинди. Уни изма-из қувишни давом эттириб, охири Хель оролига борганда исканжага олинди, саксон мингдан ортиқ гитлерчини қамал қилиб олишга муваффақ бўлинди. Аниқланишича, Оролда зўрлик билан олиб кетилган кўплаб қиз-жувонлар ҳам бор экан. Улар ёвуз томонидан минг хил қийноқларга солинибди, улар озод этилдилар, душманлар эса асир олинди.

Нева соҳилидаги буюк шаҳарни сақлаб қолиш сира осон бўлмаган эди. Дарё суви билан бир қаторда қип-қизил қон оққанини ҳозирги кунда ҳаёт бўлган ҳимоячилар ҳамон эслашади. Ана шу ҳаёт-мамот жангида ўзбек ўғлонининг анчагина ҳиссаси бор эди. Киндик қони тўкилмаса ҳам қалб қони тўкилган шаҳарни Карим ака деярлик ўн марта зиёрат қилди. Ўзи қон кечган майдонлар, шаҳар ва қишлоқларнинг ҳозирги жамолини томоша қилиш жуда завқли. Қуролдош дўстлари билан учрашади, гурунглашади, улар билан ҳамон борди-келди қилиб туради.

— 1971 йилнинг сентябрида Нева плацдармини жангларининг иштирокчилари ана шу воқеанинг 30 йиллигини нишонлаш учун тўпландик, — дейди собиқ жангчи, — ўша кезларда урушда ҳалок бўлган кишиларга ёдгорлик очилган экан. Ёдгорлик тошига эса шундай ёзувлар битилибди:

**Одамлар билингиз**
**гўзал ҳаётдан**
**Кетмоқни истамас**
**эдик ҳеч қачон.**
**Авлодлар бизларни**
**чиқармас ёддан**
**Биз ҳаёт баҳрида**
**қолдиқ бегумон.**
**Нева бўйларида**
**қора тун аро**
**Ўлимга тик боқдик —**
**кўксимиз қалқон.**
**Бизлар жонимизни**
**айладик фидо,**
**Сизлар яшангиз деб,**
**мангу фаровон.**

Карим Қосимов ҳақидаги жангномани яна давом эттиравериш мумкин. Унинг одоғи йўқ сира. Зафарли юришлари, қаҳрамонликлари, абжирлиги, моҳир разведкачи сифатида қилган мисли сиз ишлари тўғрисида илгари ҳам анчагина китоблар ёзилди, очерклар ва ҳикоялар битилди. Унинг ёндирган танклари, у асир олган ёвузлар, турли хил масъул топшириқларни қойилмақом қилиб уддалагани, душманларни доғда қолдириб кўрсатган жасоратлари тўғрисида рўзномаларда, журналларда кўплаб ҳикоялар босилди. Ҳатто Москва ва Ленинградда босилган китобларда унинг мардликлари мадҳ этилди. Чунончи, «Невский пятачок», «Навечно в памяти народной» китобларида Карим Қосимовнинг жасорати қуйидагича талқин этилди:

**«Жангчилар ўша жойда ниҳоятда топқирлик ва тадбиркорлик кўрсатдилар. Артиллерия разведкачиси Карим Қосимов батареямиз ёғдираётган ўқларни тўғрилаб турди. Кунларнинг бирида унга ва унинг жанговар ўртоқларига душманнинг ўт очиш нуқталари жойлашган жойни аниқ белгилаш топширилди. Разведкачилар айёрликка ўтдилар. Улар ярим тунда Арбузово қишлоғи бўсағасидаги бир масканга чиқиб олиб, у ерда 50 га яқин каскаларни йиғиб олдилар. Улар бу каскаларни душманнинг олдиндаги хандагидан сал наридаги жойларга териб чиқдилар. Тонг отиши билан гитлерчилар ҳужумга ўтиш учун тайёр турган «пиёдалар»ни кўриб қолишди. Ана шу «тўпланган» пиёдаларга қараб миномёт ва артиллериядан кучли ўт ёмғири ёғдирилди. Бундан фойдаланган разведкачилар душман позицияларини ўша заҳоти билиб олдилар.**

**(«Невский пятачок» китоби, 93-бет).**

**«Меньков батальонида Карим Қосимов деган жангчи жасурлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У бу пайтгача иккита танкни— транспортни мажақлаб ташлаган, иккита автоматчини йўқ қилган эди. У жангда яраланганига қарамай отишда давом этади. У Нева орқали эвакуация пайтида иккинчи марта яраланди. Каримнинг жасоратларини жуда кўпчилик эшитган эди. Аммо бу ҳақда нима учундир буйруқларда ҳам ёки матбуот саҳифаларида ҳам минг афсуски тилга олинмаяпти».**

**(«Навечно в памяти народной» китоби, 136-137-бетлар).**

Китоб муаллифларининг мулоҳазалари ҳам бироз ўринли. Чунки ўша пайтда Нева бўйида жанг қилганларга мукофотлар берилишида бироз хасислик қилинганлиги очиқдан-очиқ кўриниб турибди. Жуда катта қаҳрамонликлар учун ҳам оддий ташаккурнома бериш билан кифояланилган экан. Ўша шароитда бунга ҳеч ким ажабланмаган ҳам эди. Негаки, жанггоҳларда бўлганлар орденлар, медаллар, унвонлар олиш мақсадида жанг майдонига киришмаган эди-да. Улар қалбида фақат душманни узил-кесил маҳв этиш, яксон этиш, Ватанни фашизм асоратидан тезроқ халос этишдек мўътабар бир мақсад туғён урарди. Карим ака ҳам шундай кишилардан эди. Шундай бўлса ҳам унинг кўксини қатор орден ва медаллар яшнатиб турибди. Улар орасида жанговар «Қизил Юлдуз», II-даражали Улуғ Ватан уруши орденлари, «Жасурлик учун» медали ва бошқа қатор жанговар нишонлар унинг жасоратига бўлган чуқур эҳтиром белгиларидир. Бундан ташқари Москва, Ленинград ва Тошкентда бўлган турли тантаналарда Неванинг тарихий бир парча бўлагида душман қуршовида жасорат кўрсатганлар орасида ўзбек йигитларининг афсонавий жасоратлари тўғрисида ифтихор билан сўзлашганда Карим Қосимовнинг ҳам номи албатта фахрли ўринларда бир неча бор тилга олинган.

Шунинг учун ҳам Карим ака яшаган умри, Ватан учун, эл-юрт учун олиб борган жанглари, урушдан кейинги хизматлари учун ўз тақдиридан бир умрга розиҳ. Қўлида асо, дилида ҳаётга бўлган муҳаббат билан ҳамиша элда азиз, бадавлат, серфарзанд хонадонида табаррук ота, шириндан-шакар набиралариga севимли бобо бўлиб юрганидан минг-миллион бора шукур қилиб яшаяпти. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

**Яҳё ТЎХТАЕВ.**

**В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.**

Карим Қосимов жанговар йўли ҳақида сўзлаб бермоқда.

## • Савобли ишлар

# МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИБ

Орол ва Орол бўйини асраш қўмитаси денгиз қуриб бораётганлиги оқибатида рўй бераётган экологик фалокатдан азият чекаётганларга бахоли қудрат ёрдам бермоқдалар. Жумладан, «Орол жамғармаси» ҳисобига шу йилнинг июнь ойи охирида Қорақалпоғистоннинг Чимбой районида ёзги даволаниш маскани ишга тушади. Шу йил июнь ойидан август ойи охирига қадар Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Қўнғирот, Чимбой, Қораўзак каби районларида, жами 2 мингга яқин бола Тошкентдаги жумҳурият клиник шифохонаси, Ўрта Осиё педиатрия илмгоҳи, педиатрия илмий-тадқиқот илмгоҳи ва бошқа тиббий муассасаларда кўрикдан ўтказилиб, алоҳида назоратда бўлиб турадилар. Шу кеча-кундузда Қорақалпоғистондан дастлабки 160 бола Тошкентга келди. Дарвоқе, ҳозир қўмита ҳузурида савобли ишлар билан ёз бўйи шуғулланадиган, яъни болаларнинг йўли, ётоғи, овқати ва маданий дам олишлари билан машғул штаб фаолият кўрсатмоқда.

Оролбўйи хаста болаларига мавсумий эътибор кўрсатилмайди, балки улар қўмитамиз ҳузурида доимий илмий назоратда турадилар. Яъни бундай болаларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш, зарур пайтда ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Шунингдек, келаси йил ёзидан бошлаб Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги мажолсиз болаларни ҳам турли марказий шифохоналарда даволанишига имкони берилади. Шу йилнинг 1 октябридан бошлаб жумҳурият телевидение ва радиоси орқали 10 кунлик ҳайрия кўрсатуви ва эшиттиришлар уюштирилади. Бундай хайрли ишга улуш қўшиш ниятидаги баъзи хорижий мамлакатлар ҳам ҳомийлик қилишмоқчи.

Ўйлаймизки, меҳр-эҳсонга муҳтож Оролбўйи аҳолисидан ҳеч ким меҳрини дариғ тутмайди. Жумҳурият «Наврўз» жамғармаси эса 100 минг сўмлик ҳайрия ўтказиб, кўпчиликни мамнун этди. Оролбўйи аҳолисининг соғлиғи учун курашга улуш қўшаётганларга миннатдорчилик билдириб, ҳаммамиз ҳам аср фожиасини бартараф этишга кўмакдош бўлайлик, деб даъват қилгинг келади.

**И. САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Орол ва Оролбўйини асраш қўмитасининг масъул котиби.**

## • Долзарб мавзуда

**Хабарингиз бор, кейинги пайтларда шахсий автомобиль эгаларига бензин ёнилғиси етказиб бериш бўйича узилишлар содир бўлиб турибди. Бензиннинг нархи ошармиш, деган миш-миш юрибди. Айниқса, ёнилғи қуйиш тармоқларидаги турна қатор навбатларни кўриб ташвишланасан киши. Мухбиримиз муштарийлар илтимосига кўра, Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Давиденко билан учрашиб, унга бир неча саволлар берди.**

**— Сўнгги кунларда шахсий машина эгаларини бензин ёнилғиси билан таъминлашдаги узилишларнинг боиси нима?**

— Аҳолини бензин билан таъминлашда сўнгги ойларда катта қийинчиликларга дуч келдик. Бу ҳақда бизга ҳам кўпчилик мурожаат қилмоқда. Бахтга қарши «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида этил суюқлиги етишмаслиги сабабли у ердан бензин етказиб беришда катта қийинчиликлар туғилмоқда. Устига-устак кейинги уч-тўрт йил ичида нефть қазиб олиш кескин камайиб кетди. Ўтган йили 1987 йилга нисбатан қарийб 100 миллион тонна кам нефть қазиб олинди. Яқин ўтмишда Совет Иттифоқи четга нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб берувчилар сирасига кирарди. Афсуски, ҳозир Иттифоқ четдан нефть ва нефть маҳсулотлари сотиб олмоқда. Бу йил Грециядан миллион тоннача автомобиль бензини сотиб олиш режалаштирилган.

Жумҳуриятда бензин билан таъминлаш йиллик эҳтиёжи 2 миллион 600 минг тоннани ташкил қилади.

Шундан 700 минг тоннаси шахсий автомобиль эгаларига сотилади. Биз аҳолининг ҳақли талабларини ҳисобга олиб, шахсий автомобиль эгаларига сотиладиган бензин миқдорини ҳар йили 50-100 минг тонна орттиряпмиз. Масалан, ўтган беш ой ичида лимитдан ташқари 46 минг тонна қўшимча бензин сотилди. Албатта, бензин танқислигига шахсий автомобилларнинг ниҳоятдан кўпайиб кетганлиги ҳам сабаб.

**БЕНЗИН НАРХИ ОШАДИМИ?**

**— Кўпчиликни бензинининг нархи ошармиш, деган гап ташвишлантирмоқда?**

— Бу, албатта, ҳақли савол. Чунки бир тасаввур қилинг. Ҳар литр бензининг нархи бир литр лимонадникидан арзон бўлса. Менимча, бензин нархини қимматлаштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, қўлимиздаги маълумотларга қараганда Украинада 1 литр бензин 1 сўм 20 тийин, Тожикистонда ҳам шундай, Кавказда ва Болтиқбўйида 1,5—2 сўм.

Ҳозир қўлимизда бензининг нархини ошириш ҳақида ҳеч қанақа маълумот ва кўрсатма йўқ. Шунинг учун жумҳуриятимиздаги автомобиль эгалари ташвишланмаса ҳам бўлади.

**— Айрим ёнилғи қуйиш шохобчалари ходимлари бензин танқислигидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиб, халқ ҳақига хиёнат қилишдек кўнгилсиз ҳодисалар учраб турибди. Бу ҳақда нима дейсиз?**

— Албатта, бундай ноҳуш ҳолларни бартараф этиш бўйича Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети қошида халқ хўжалигида нефть маҳсулотларидан фойдаланишнинг давлат назорати бош бошқармаси мунтазам иш олиб бормоқда. Масалан, 12 апрель куни «Таштранснефтепродукт» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 82-контейнерли ёнилғи қуйиш шохобчасида текшириш ўтказилганда, автобензин қабул қилишда, сақлашда ва ҳисоб-китобда унинг миқдор ва сифат жиҳатидан тўла таъминланмаганлиги фактлари очиб ташланди. Модний жавобгар шахслар А. Абдураҳмонов ва У. Аллабергановлар ихтиёрида бўлган савдо пулидан 905 сўм 92 тийин камомад чиқди. А—76 маркали автобензиндан эса кўзда тутилган нормадагидан 242 литр камомад борлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 2 минг литрдан кўпроқ АИ—93 автобензин ортиқча эканлиги ҳам ошкор бўлди. Албатта, бу ҳақдаги материаллар Тошкент вилоят прокуратурасига топширилди. Айбдорлар тегишли жавобгарликка тортилади.

Ўйлаймизки, бензин тақсимлашдаги тартибсизликларга қарши курашда бутун жамоатчилик бизга кўмаклашади.

**Суҳбатни**
**Д. ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.**

## СПОРТ

**САФАР УЧРАШУВЛАРИ**

● Хотин-қизлар мамлакат терма жамоаси баскетболчиларининг Европа чемпиони бўлиши ўзига хос воқеага айланди. Ҳал қилувчи учрашувни Югославия терма жамоаси билан ўтказган совет спортчилари 97:84 ҳисобида ғалаба қозонишди.

● СССР халқлари ёзги X спартакиадаси баҳсларида иштирок этаётган жумҳуриятимиз вакиллари мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, курашчиларимизнинг чиқишлари диққатга сазовор бўлди. Классик кураш бўйича беллашувларда омад юришмаган бўлсада, самбо ва эркин кураш баҳсларида ишончли оқлашга ҳаракат қилинди. Минскда якунланган самбочилар беллашувида тўртта бронза, биттадан кумуш ва олтин медаллари қўлга киритилди. Запорожье шаҳрида эркин курашчилар қатори беллашган Э. Юсупов кўксига кумуш медаль тақди. Ҳар қалай жумҳуриятимиз терма жамоаси мавқеини мустаҳкамлашга курашчиларнинг қўшган ҳиссаларидан мутахассислар мамнун бўлиб туришибди.

● Фарғона водийси футбол жамоаларининг биринчи лигадаги ўзига хос синов мавсумини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилишаётгани мухлисларни қувонтирмоқда. Айниқса, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари фахрли ўринлардан бирига даъвогар бўлиб туришгани таҳсинга лойиқ. Бу жамоа навбатдаги учрашувни «Ростсельмаш» майдонида ўтказиб (0:0), очколарини 18 тага етказди. Фарғонанинг «Нефтяник» жамоаси эса «Кубань» майдонига тушиб, дарвозасидан учта жавобсиз тўп ўтказиб юборди. Бу мағлубият футболчиларимизни икки поғона пастлашга мажбур этди. Бугун бўладиган навбатдаги учрашувлар олдидан ўйинлар жадвалининг кўриниши қуйидагича бўлиб турибди.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Тилигул | 9 | 4 | 1 | 22-9 | 22 |
| Ротор | 9 | 3 | 2 | 27-14 | 21 |
| Буковина | 8 | 4 | 4 | 18-11 | 20 |
| Навбаҳор | 7 | 4 | 3 | 14-7 | 18 |
| Таврия | 7 | 3 | 4 | 23-24 | 17 |
| Ростсельмаш | 6 | 5 | 3 | 13-6 | 17 |
| Локомотив | 6 | 4 | 4 | 15-12 | 16 |
| Текстильшик | 6 | 4 | 5 | 20-20 | 16 |
| Динамо Сх. | 5 | 6 | 3 | 9-6 | 16 |
| Қайрат | 6 | 3 | 5 | 12-12 | 15 |
| Факел | 6 | 3 | 7 | 11-16 | 15 |
| Зенит | 4 | 7 | 4 | 13-11 | 15 |
| Нефтяник | 6 | 2 | 6 | 15-17 | 14 |
| Шинник | 6 | 2 | 6 | 16-20 | 14 |
| Уралмаш | 6 | 1 | 7 | 21-14 | 13 |
| Динамо Ст. | 5 | 3 | 6 | 19-14 | 13 |
| Нефтчи | 4 | 3 | 7 | 9-14 | 11 |
| Геолог | 3 | 4 | 7 | 11-18 | 10 |
| Котайк | 3 | 3 | 8 | 9-25 | 9 |
| Кубань | 2 | 5 | 7 | 12-17 | 9 |
| Зимбрул | 1 | 7 | 7 | 10-17 | 9 |
| Пардаугава | 2 | 2 | 11 | 8-23 | 6 |


## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**Ўзбекистон ССР маданият вазирлиги**
**М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**
**1991-92 ўқув йилига**
**қуйидаги ихтисослар бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Кундузги бўлимга-** ўзбек халқ чолғулари (анъанавий ва академик), оркестр асбоблари (пуфлама ва торли), хор дирижерлиги, фортепиано, мусиқашунослик (ўзбек ва рус тилларида), бастакорлик, хонандалик (анъанавий ва академик);

**Сиртқи бўлимга:** мусиқашунослик (ўзбек тилида).

**Тайёрлов бўлимга:** хонандалик (анъанавий ва академик).

ҲУЖЖАТЛАР 5 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ; КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР — 25 ИЮНДАН 5 ИЮЛГАЧА, ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ — 26 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ректор номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта махсус маълумот ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, тиббий маълумотнома (086/У шаклида), 6 дона сурат (3х4 см.).

Ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат ва паспорт шахсан топширилади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй. Телефон: 33-52-74.

5-ҲУНАР-ТЕХНИҚА БИЛИМ ЮРТИ
**1991 йил учун**
**Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган йигитларни электр пайвандчи, ғишт терувчи, бўёқчи-сувоқчи ихтисослари бўйича**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Ўқиш муддати — 3 ой.**
**Ойига 120 сўмдан стипендия тўланади.**
**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Ўқишни тугатганлар Тошкент шаҳар қурилиш Бош идорасига қарашли тажрибавий ҳажмли-блокли уйсозлик комбинатига ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Улар доимий шаҳар аҳолиси рўйхатига қўйилади ва навбат асосида турар жой билан таъминланадилар.

**Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фонзи тўланади.**

**Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.**

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Ленин ноҳияси, Астрахань боши берк кўчаси, 12-уй (1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекати; 5, 26- трамвайларнинг «Кўк бозор» бекати; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати; 55, 161, 66-автобусларнинг «57-мактаб» бекати).

Телефон: 91-26-47.

**ТАЖРИБАВИЙ ҲАЖМЛИ-БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ.**

**«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.**


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари Марказий Комитет масъул ходими А. Н. Бернацкийга отаси

**Николай Яковлевич БЕРНАЦКИЙнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Маънон Ўйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти аҳли, ректорати ва жамоатчилик ташкилотлари ректорининг хўжалиқ ва ташкилий ишлар бўйича муовини М. О. Мухторовга онаси

**Адолат ОЛИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТЎХТАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-87-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-45-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; бадиий—32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 20.45.

№ 117. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12